

“Дунё ўзгармоқда, глобал муаммолар турли масалаларни кун тартибига қўймоқда. Аммо демографик ўзига хослик, ер ресурсларининг имконияти, мавжуд тизим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳали айни йўналишда қиладиган ишларимиз кўплигидан далолат бериб турибди.

▸3



“Бундай муҳташам рақамларнинг ҳамма-ҳаммасида Юртбошимизнинг меҳнати, меҳри мужассам. Улар давлатимиз раҳбарининг олис-олисларни кўзлаган адолатли сиёсатининг ҳосилаларидир.

▸4-5




2025-yil
20-mart
payshanba
№34-35
(5099)

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Шавкат МИРЗИЁЕВ: ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – СТРАТЕГИК ЙЎЛИМИЗ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув ўтказди.**

**ЮРТИМИЗДА ИШБИЛАРМОНЛИК СОҲАСИ ИШ ЎРНИ, ИНВЕСТИЦИЯ, ИННОВАЦИЯ, РАҚОБАТ, ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭНГ КАТТА ТУРТКИ БЕРАЁТГАН ЙЎНАЛИШГА АЙЛАНГАН.**

**Сўнгги 5 йилда**

**2** кичик ва ўрта тадбиркорлар сони **карра кўпайди.**

Уларда **10 миллион 500 минг одам – 74** жами банд аҳолининг **фоизи**

даромад топиб, рўзғор тебратяпти. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти.

### КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ЙЎНАЛИШИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

- 2025 йилда иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга кўтариб, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш
- Янги бозорларга кириб боришда транспорт, сертификат ва стандартига кўмаклашиб, кичик бизнес экспортини ўтган йилги 9 миллиарддан 12 миллиард долларга олиб чиқиш
- Ичимлик сув, канализация, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, етказиб бериш, утилизация, миграция, маданият ва ижтимоий хизматларда кичик бизнес улушини 2-3 карра ошириш
- 1,5 миллион доимий иш ўрни ташкил қилиб, соҳада банд аҳоли улушини 75 фоизга етказиш
- 100 нафардан кўп ишчиси бор корхоналарни 4 мингтага олиб чиқиш
- Кичик бизнесда янги 100 та бренд маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш
- Кичик бизнес иштирокида 200 та стартап лойиҳаларни молиялаштириш каби катта мақсадлар қўйилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашуви тафсилотлари билан қуйидаги ҳавола орқали батафсил танишишингиз мумкин.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида кунү тун фаолият кўрсатадиган**

**1211**

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ КОНТЕНТИ УЧУН

*«Ватан» ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журналининг инглиз тилидаги махсус сони тақдимоти бўлиб ўтди*



Тақдимотда давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, фахрий дипломатлар, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик корпуси ва ваколатхоналари раҳбарлари (видеоконференцалоқа орқали), шунингдек, илмий ва академик муассасалар, халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий ва маҳаллий ОАВ вакиллари, ЖИДУ профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ушбу нашрнинг аҳамиятини таъкидлаб, журнал ички ва ташқи сиёсат, иқтисодиёт, маданият, санъат ва тарих соҳаларидаги муҳим масалаларни муҳокама ва таҳлил қилиш минбарига айланганини айтиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, журнал бош муҳаррири Ҳусан Эрматов ўз сўзида «Ватан» журнали олимлар, сиёсатчилар, илмий тадқиқотчилар, таҳлилчилар учун ўз ғоя ва қарашларини ифода этишда яқин кўмакчи ўлароқ майдонга чиққанини айтиб, нашр барча учун минбар ажратишини таъкидлади.

Шундан сўнг меҳмонлар журналнинг инглиз тилидаги махсус сонининг видео тақдимоти билан танишдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги ушбу журнал Президентимизнинг миллий контент яратиш хусусидаги топшириқлари ўлароқ дунёга келган. 2024 йилда унинг 4 та сони журналхонларга тақдим қилинган.

Анжуманда эътироф этилганидек, инглиз тилига ўгирилган сара мақолалар Янги Ўзбекистон қиёфасини илмий-академик форматда халқаро ҳамжамиятга намойиш этишда муҳим восита бўлмоқда.

Тақдимотда ҳар бир иштирокчига «Ватан» журналининг махсус сони улашилди.

Тадбир «Наврўз» сайлига уланиб кетди.

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*

*Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар*




**ТАҲРИРИЯТДАН:** *газетанинг келгуси сонларида «Ватан» журналининг махсус сони тақдимоти ҳамда сиёсатшунослар, адиблар ва дипломатларнинг нашр ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган махсус саҳифа чоп этиш режалаштирилмоқда.*

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРДИ

**Шу кунларда Европа Иттифоқи комиссияси масъул ходимлари мамлакатимизга ташриф буюришди.**



Делегация аъзолари сафар асноси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ҳам бўлишди ҳамда меҳнат муносабатлари, ташкилот ёки корхона ишчи-ходимларининг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш каби масалалар борасида масъуллар билан мулоқот ўтказишди.

Меҳмонлар қайд этишганидек, охирги йилларда мамлакатимизда меҳнат соҳасида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилди. «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилиши шулар жумласидан.

*– Айниқса, Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиб, унинг кўп конвенцияларини ратификация қилган ҳолда ходимларга муносиб меҳнат шарт-шароитлари яратишда юқори натижага эришилгани таҳсинга лойиқ,* **– деди Европа Иттифоқининг Европа комиссияси бўлими бошлиғи ўринбосари Алина Бойчук.** *– Шу билан бир қаторда, баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Улардан кўз юмолмаймиз. Масалан, мустақил жамоат ташкилотини тузиш учун белгиланган меъёрлар жуда кўп. Уларни камайтириш чораларини кўриш керак.*

Ёки бўлмаса, қайсидир корхона-ташкилотда ишчи-хизматчилар иш ташласа, улар тегишли қоидаларга биноан, жавобгарликка тортилади. Назаримда, бу масалалар ҳақида жиддий бош қотириш лозим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Юридик бўлими мудири Ҳамидулла Премқулов Алина Бойчукнинг ҳар икки эътирозига ўз муносабатини билдирар экан, айни пайтда мазкур масалалар тегишли тартибда назоратга олингани ва тез фурсатларда ижобий ҳал этилишини эслатиб ўтди.

Умуман, ўзаро савол-жавоб тариқасида кечган мулоқот мобайнида кўплаб ҳолатларга ойдинлик киритилди. Меҳмонлар ўзларини қизиқтирган барча мавзуларга жавоб олишди.

**Амир АҲМЕДОВ**

**P.S:** *Мазкур ташриф Европа Иттифоқи комиссиясининг республика томонидан келгусида «GSP+» тизимини самарали қўллаш ва бенефициари мақоми мажбуриятлари бажарилиши юзасидан мониторинг даври якуни бўйича хулосасига бевосита таъсир кўрсатади.*

*Айни вақтда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади – мамлакатни жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатларидан бирига айлантиришдир. Бу жараённинг асосий омили сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда жаҳоннинг етакчи бозорларига экспорт қилиш ҳисобланади. Экспорт ҳажмини оширишда турли савдо тизимларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Улардан бири «GSP+» имтиёзлар тизимидир. Ўзбекистон 2021 йил 10 апрелдан «GSP+» имтиёзлар тизимининг бенефициари ҳисобланади.*

## «GSP+» ДАСТУРИ ЎЗБЕКИСТОНГА НИМА БЕРАДИ?

*Дастурга тўлиқ аъзо бўлган давлат Европа Иттифоқи бозорларига 3 мингга яқин маҳсулотни божхона тўловларисиз экспорт, 3 минг 200 турдаги маҳсулотларни эса пасайтирилган ставкалар бўйича импорт қилиш имкониятига эга бўлади.*

*Мухтасар айтганда, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Европа иттифоқи бозорларида эркин сотилиши, мамлакатга йирик миқдорда валюта кириб келиши, ўз навбатида, маҳсулотлар тури ва сифати ошиши, минглаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.*

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Фарвардин – йилнинг биринчи ойи.
Бу ойнинг биринчи куни Наврўздир.
Абу Райҳон Беруний

2025-YIL 20-MART
PAYSHANBA
№ 34-35 (5099)

**ФАКТ** РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 19 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, 24 849 ТАСИДА (67,1 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.



# САЙЛОВ – СИЙЛОВ ЭМАС

**Кўпчилигимизда бировга бош бўлиш осон эмас, деган қараш бор. Аммо мен бу фикрга унчалик қўшилмайман. Чунки бир одам қилган иш бошқа кишининг қўлидан ҳам келади. Бунинг учун озгина қунт-ҳафсала, хоҳиш-истак, билим ва кўникма, дунёқараш ҳамда етарли тажриба бўлса кифоя. Улар эса йиллар давомида ҳалол меҳнат, астойдил ҳаракат, тоза виждон орқали орттирилади.**

Масалан, юқоридаги сифатларга эга шахс қайсидир корхона ёки ташкилотда ўз фаолиятини оддий ходимликдан бошласа, кўп йиллар давомида ўша соҳа сир-асрорларини ўрганса, фурсати келиб, унда ҳам раҳбарлик қобилияти шаклланади. Шундай экан, инсон ким бўлишидан қатъи назар, ўзига паст баҳо бериши ножоиз.

Аслида катта қадамлар атак-чечакдан бошланади. Масалан, сиз кичик бир ташкилотда оддий бўлим мудирисиз ёки қайсидир жамоада касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида ходимлар манфаати йўлида ижобий ишлар қилгансиз. Демак, меҳнатларингиз зое кетмайди. Муҳими, ходимларнинг ишончи.

Айни кунларда касаба уюшмаларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларда ҳам ўзига ишончи бор, ходимлар манфаати учун муносиб фаолият юритган касабақўмлар қайта сайланмоқда. Ишончни оқламаганлар ўрнини бошқа номзодлар эгаллашмоқда.

Дарвоқе, бу йилги ҳисобот-сайловлар аввалгилардан анча ўзгача ўтяпти. Яъни илгари аксарият бошланғич ташкилотларда амалдаги раиснинг номзоди қайта-қайта сайловга қўйилаверарди. Энди бундай бўлмайди – бир неча нафар номзод касабауюшма раиси бўлиш учун бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз тўплашига тўғри келади. Қолаверса, ҳозир жамоаларда муҳит анча ўзгарган. Ходимларга энди ким касабақўм бўлиши барибир эмас. Улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган номзодни танлашади. Хуллас, бу борада ҳар бир ишчининг ўз фикри, ўз танлови бор. Раисликка номзод улар билан ҳисоблашишига тўғри келади. Мухтасар айтганда, бу галги сайлов – сийлов эмас.

Айни пайтда Тошкент шаҳар кенгашида 3 минг 619 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Улар сафида 1 миллион 59 минг 373 нафарга яқин аъзолар жипслашган. Шундан 463 минг 334 нафарини хотин-қизлар, 418 минг 566 нафардан ортиғини талабалар ташкил этади. Уларнинг жамоалардаги ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар эса кўп жиҳатдан бевосита касаба уюшмаси қўмитаси раисига бориб тақалади. Агар у қонун доирасида ишласа, ҳар қандай вазиятда аъзолар манфаати учун курашса, уларнинг ишончини қозонади. Вазифасини тўлақонли бажаролмаса, кейинги сайловда ходимлар унга овоз бермасликлари тайин.

Албатта, ҳисобот-сайловлар олдидан ташкилотларда ўқув-семинарлар ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад йиғилиш (конференция)ларга тайёргарлик кўриш, яъни ишчи-ходимларни жорий тартиб-қоидалар билан батафсил таништиришдир.

Шундай қилиб, ҳозирча 1 минг 482 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов ўтказилди.

Яна бир гап. Ҳисобот-сайлов йиғилиш (конференция)ларида ходимлар томонидан турли фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилаётгани ушбу тадбирлар қизғин ўтаётганидан далолат бермоқда. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ҳамда Биоорганик кимё институтларида бўлиб ўтган йиғилишларда жамоа шартномаси асосида ходимларга яратилган шароит, иш ҳақи, қўшимча имтиёзлар каби масалалар аъзолар эътиборидан четда қолмади. Сўзга чиққанлар йиғилишларнинг жонли ва савол-жавобларга бой тарзда ўтганини эътироф этишиб, касаба уюшмаси қўмиталарининг ўтган давр мобайнидаги ишларини қониқарли деб баҳоладилар. Қўмита раиси, қўмита таркиби ва делегатлар сайланиб, қўмита азолари ўз дублёрларини танлашди. Ҳар иккала йиғилишда Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шерзод Жўраев иштирок этиб, олдинда турган вазифалар, касаба уюшмаларининг 120 йиллигини нишонлашга доир фикрлари билан ўртоқлашди.

Мухтасар айтганда, ўтказилаётган ҳисобот-сайловлардан хулоса шуки, ишчи-хизматчилар раисликка номзодни шунчаки қўл кўтариш билан тасдиқламаётган экан, кўпчиликнинг овозини тўплаган етакчига осон бўлмайди. Энди у «Сайланиб олсам бўлди, кейин тараллабедод қилиб юраман» деган фикрни миясидан чиқариб ташлашига тўғри келади. Зотан, олдинда уни жиддий ва машаққатли синовлар кутаётган бўлиши мумкин...



Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

---

**Уч йил аввал эди. «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун билан танишиб чиққан муаллима касабақўмликка даъвогар бўлиб, ҳамкасбларидан ўзини қўллаб-қувватлашларини сўради. Орадан уч-тўрт ой ўтиб эса бўшатишларини талаб қилди.**

**Аслида етакчилик имтиёз ёки мансаб эмас. Бу ҳамкасбларга яхшилик қилиш имкониятидир, холос. Кейинги йилларда сўз эркинлиги, халқ билан мулоқот тизимли йўлга қўйилгани меҳнат аҳлининг ўз фикрини эмин-эркин билдиришига замин яратди. Қолаверса, ўтган беш йилда Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари шаклланди.**

**Бундан кейин раҳбар хоҳлаган, унинг измига бўйсунадиган ходим касабақўм бўлолмайди. Аксинча, ҳамкасбларига қайишадиган, уларнинг муаммолари ҳақида дангал гапира оладиган, манфаатларини ҳимоя қиладиган, иш берувчидан жамоа шартномаси ижросини талаб қиладиган ҳақиқий етакчиларга ишонч билдирилади.**

**Бу Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хонқа тумани кенгаши тизимидаги «Хонқа Карамази» МТП бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияси мисолида ҳам аён бўлди.**

# ЕТАКЧИЛИК ИМКОНИЯТДИР

### ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Конференция аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари Олимжон Салиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекчанов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбаев сўзга чиқиб, 120 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тарихи, бугунги тараққиёти, халқаро майдондаги ва жамиятдаги мавқеи ҳақида тўхталдилар. Бу йилги ҳисобот-сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бундан руҳланган делегатлар барча масалалар юзасидан ўз фикрларини эмин-эркин билдиришди.



Бугунги кунда касаба уюшмаси ташкилотида 714 нафар аъзо бор. Конференцияда улар номидан 50 нафар делегат иштирок этди. Ўтган беш йиллик давр ҳақидаги ҳисоботда таъкидланганидек, 2023 йилда жамоа шартномаларига киритилган барча имтиёзлар учун 235 миллион сўм сарфланиб, ҳар бир аъзога ўртача 1 миллион 200 минг сўмдан, 2024 йилда 340 миллион сўмни ташкил қилиб, ҳар бир аъзога ўртача 1 миллион 800 минг сўмданга тўғри келди.

Конференция иштирокчилари касаба уюшмаси ташкилотининг беш йиллик фаолиятини қониқарли деб топди. Шундан сўнг унинг етакчисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Делегатлар томонидан амалдаги касаба уюшма қўмитаси раиси Йўлдош Бобожонов ҳамда касаба уюшмаси аъзоси Мирзабек Аминов номзоди илгари сурилди. Сайлов натижаларига кўра, Мирзабек Аминов кўп овоз тўплаб, бошланғич ташкилот раислигига сайланди.

### МУАЛЛИМЛАР МАНФААТИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНЯПТИ?

– Тармоғимиздаги 1081 бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайловлар кўтаринки кайфиятда, аъзоларнинг фаол иштирокида ўтказилмоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова. – Шу кунга қадар 540 та бошланғич ташкилотда йиғилишлар ўтказилиб, уларда 37 мингга яқин касаба уюшмаси аъзолари иштирок этди. Барча бошланғич ташкилотлар фаолияти қониқарли деб топилди. Муқобиллик асосида келгуси беш йил учун бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси раислари сайланди. Уларнинг 438 нафари олдиндан фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, 102 нафарига биринчи марта ишонч билдирилди. Етакчиларнинг 31 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

90 нафар касаба уюшмаси аъзолари қатнашган Боғот туманидаги 31-умумтаълим мактабида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари Олимжон Салиев, Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбанбаева Янги Ўзбекистонда инсон қадри учун амалга оширилаётган ислоҳот самаралари, касаба уюшмалари тарихи, бугунги фаолияти ҳақида сўз юритишди.

Йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар танқидий таҳлил қилинди. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси қайд қилганидек, ҳисобот даврида касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 30 нафардан зиёд ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Уч нафар ходим тизимдаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Меҳнат муҳофазаси тадбирларига сарфланган маблағ миқдори икки карра ошди. Педагог ходимларнинг билим даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. 2020 йилда 14 нафар, 2024 йилда эса 103 нафар педагог малака оширишига эришилди.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари янги касаба уюшмаси қўмитаси раисини муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлашга қарор қилишди ва икки нафар номзодни илгари суришди. Саноқ комиссияси хулосасига кўра, С.Абдукаримовга яна ишонч билдирилди.

### ЁШ ЕТАКЧИ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиалида бўлиб ўтган конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходими Сарвар Исҳақов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекчанов, 641 нафар касаба уюшмаси аъзолари орасидан сайланган 24 нафар делегат ва таклиф қилинганлар иштирок этдилар.

Дастлаб бошланғич ташкилотнинг 2020 йил февралдан 2025 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти якунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги келгуси вазифалар тўғрисида қўмита раиси Феруз Матчоновнинг ҳисоботи эшитилди. Унда ўтган давр филиал учун ўсиш, ривожланиш даври бўлгани таъкидланди. Аъзоларнинг 300 нафарга яқин фарзандлари Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди. Ходимларни санаторийларда соғломлаштириш мақсадида 95 та йўлланма имтиёзли равишда ажратилди.

Делегатлар ҳисоботни қониқарли деб топган конференцияда, шунингдек, филиал бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси ахбороти ҳам тингланди.

Шундан сўнг касаба уюшмаси қўмитаси раислигига 24 нафар конференция делегати орасидан икки нафар номзод кўрсатилди ва касаба уюшмаси қўмитаси раислигига Феруз Матчанов қайтадан сайланди.

### ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хоразм вилоятида 2540 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайловлар ўтказилиши белгиланган. Шу кунгача уларнинг 1500 га яқинида 63 мингга яқин аъзолар иштирокида ушбу миссия амалга оширилди.

– Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари кўтаринки кайфиятда, иштирокчилар фаоллигида ўтказилмоқда. Етакчиларнинг ҳисоботларидан ҳам маълум бўляптики, ўтган беш йилда ижтимоий шериклик кўламини ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда, фарзандларини ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш борасида тизимли чоралар кўрилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Қаҳрамон Машарипов. – 2020 йилда вилоятда касаба уюшмаси аъзолари сони 245345 нафарни ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб бу рақам 405694 нафарни ташкил этди. 2020 йилда ҳар бир ходимга Жамоа шартномаси орқали сарфланган маблағ 2 млн. 226 минг 300 сўмни ташкил этган эди. 2024 йил якунларига кўра эса 6 млн. 523 минг сўмга тўғри келди.

Маълумотларга кўра, шу кунга қадар 1436 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайловлар ўтказилиб, уларда 226 нафар етакчи илк маротаба сайланди.



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

---

# ЯШИРИН ОВОЗДАГИ ҲАҚИҚАТ

**«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ Сирдарё ҳудудий филиалида ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмаси қўмитаси раиси 2020 йил мартидан 2025 йил мартигача бўлган даврда олиб борган фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.**

Қайд этилишича, 2020 йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим олган даромад миқдори 6 800 000 сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 28 200 000 сўмга етган. Жамоа шартномаси ёшлар, аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар ва бандлар киритилгани билан аввалгиларидан фарқланади. Шундай имтиёзлардан бири ходим меҳнат таътилига чиққан пайтда бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам олаётганидир. 2020 йилда бундай моддий ёрдам меҳнат стажига қараб фоиз ҳисобида бериларди. 2022 йилдан кўп йиллар ишлаган ходимларга ойма-ой маошига қўшиб бериладиган маблағ икки бараварига оширилди.

Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ходимлар малакасини ошириш бўйича келишган ҳолда муайян ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилда маъмурият маркази биносида ташкил қилинган ўқув дарсларида 357 нафар ходимнинг малакаси босқичма-босқич оширилди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномасидаги ҳамма бандлар ҳам бажарилди, деб бўлмайди. Жумладан, зарарли меҳнат шароитида ишлаётган 22 нафар ишчи-ходимга сут маҳсулотлари 2025 йилда тўлиқ етказиб берилмади. Жойларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилганига қарамай, бахтсиз ҳодисалар содир бўляпти.

Ҳисоботни тинглаган делегатлар музокаралар давомида ана шу масалаларга тўхталишди. Ишчи-ходимларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратилган бўлса-да, соҳада ютуқлар йўқлиги танқид остига олинди. Турли мусобақаларни ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Жамоа шартномасининг айрим бандлари нега бажарилмагани юзасидан саволлар ўртага ташланди. Фикрлар очиқ, холис билдирилди. Филиал раҳбари Ёдгор Деҳқонов касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятига танқидий ёндашди. Имкон бўла туриб, амалга оширилмай қолган ишларни бирма-бир санаб ўтди.

Делегатлар ўз етакчиларини яширин овоз бериш йўли билан сайладилар. Уч нафар номзоддан энг кўп овоз олган Шавкат Мирзабеков фаолиятини яна давом эттирадиган бўлди. Шунингдек, қўмита аъзолари ҳам сайланиб, улар ўзларига дублёрлар танлаб олишди.

Конференцияда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ойбек Исмоилов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов иштирок этиб, касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



Ҳар тунинг Қадр ўлубон,
Ҳар кунинг ўлсин Наврўз.
Алишер Навоий





# Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ: ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ – СТРАТЕГИК МАСАЛА!

**Сўнгги саккиз йилдан буён юртимизда қишлоқ хўжалиги бутунлай янги тизимда ишламоқда. Бундан мақсад сувдан унумли фойдаланиш, халқни сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Яқинда Олий Мажлис Сенати «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунни маъқуллагани эса бу борада давлат идораларининг вазифаларини белгилаб беришда яна бир муҳим омил саналади.**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбатимиз соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, режалар ва вазифалар, мавжуд айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида бўлди.**

**– Иброҳим Йўлчиевич, суҳбатимиз аввалида янги қонун билан вазирлик зиммасига юклатилаётган вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда устувор соҳалардан бири саналади. Охирги йилларда бу соҳа ислоҳотларлар марказида бўлди, десак, хато қилмаймиз. Бунинг сабаблари эса ҳаммамизга аён. Дунё ўзгармоқда, глобал муаммолар турли масалаларни кун тартибига қўймоқда. Аммо демографик ўзига хослик, ер ресурсларининг имконияти, мавжуд тизим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳали айни йўналишда қиладиган ишларимиз кўплигидан далолат бериб турибди.

Маъқулланган қонун халқнинг озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатли таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди. Унда ҳукуматимиз Қишлоқ хўжалиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари билан ҳамкорликда халқни ҳар йили эҳтиёжларига мутаносиб равишда озиқ-овқат билан таъминланиш чораларини кўриши ва уларнинг ижросини таъминлаши лозимлиги белгилаб берилди.

**– Айтинг-чи, Ўзбекистон ўз имкониятлари билан энг муҳим стратегик маҳсулотларнинг неча фоизини таъминлай олади?**

– Агар озиқ-овқат ва сабзавот маҳсулотлари йўналишида таҳлил этсак, мамлакатимизда жами 23 миллион тонна маҳсулот етиштирилади. Шундан 5-6 миллион тоннаси экспортга, қолганлари ички бозорларимизга йўналтирилади. Ижтимоий аҳамиятга эга ўн турдаги маҳсулот кесимида олсак, эҳтиёжнинг ўртача 80 фоизини ўзимиз қоплаймиз. Масалан, картошка эҳтиёжга нисбатан 86-87, гуруч 82 фоизни ташкил қилади. Гўшт маҳсулотлари бўйича қарийб 95-100 фоизлик маррани забт этганмиз. Аммо ўсимлик ёғи масаласида камчилигимиз бор – унинг атиги 6 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилади. Пиёз, сабзи, ун, тухум ҳамда сут маҳсулотлари ҳажми эса 107 фоиздан 128 фоизгачани ташкил қилади.

**– Картошка 86 фоиз эҳтиёжни қоплайди, деяпсиз. Лекин реал ҳолатда ташқаридан кўпроқ картошка келтирилаётганга ўхшайди. Яқинда Қозоғистон картошка экспортини тўхтатди. Боз устига, Қирғизистон ҳам чеклов ўрнатди. Бозорларимиз бунга дарҳол «муносабат» билдирди – картошка нархи қисқа фурсатда ошиб кетди…**

– Ўринли ва ҳақ гапни айтаяпсиз. Дарвоқе, бозорларда картошка анча қимматлади. Бунинг дастлабки сабаби ўтган йили ҳосилдорлик нафақат бизда, балки бошқа мамлакатларда, айниқса, қўшни давлатларда ҳам кутилганидек бўлмади. Масалан, Россияда режадагидан 2 миллион 900 минг тонна, Қирғизистонда аввалги йиллардагига нисбатан 30 минг тонна кам ҳосил олинди.

Биз ҳар йили 4,5 миллион тонна картошкага эҳтиёж сезамиз. Йиллик қувватимиз эса 3 миллион 900 тонна ва режани, юқорида айтганимдек, 86-87 фоиз қилиб бажарамиз. Демак, яна 600-700 минг тонна картошка импорт қилишга мажбурмиз.

Умуман, бу мавсум билан боғлиқ жараён. Баҳор кезлари бизда эртанги картошка ковлаб олинади. Истеъмолга жуда кўп миқдорда чиқарилиши боис тез орада нархи яна арзонлашади.

Яна бир масала. Яқин-яқингача сақлаш қувватларимиз ҳам талабларга жавоб бермас, қайта ишлаш жараёнлари ҳам ҳавас қилгудек эмасди. Мана шу омиллар картошка нархи қимматлашишига сабаб бўляпти.

**– Илгари Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жиззах вилоятининг Бахмал туманларида картошкачилик яхши ривожланганди. Аммо бир неча йилдан буён томорқаларга ҳам, фермерлар ерига ҳам картошка деярли экилмаяпти. Асосий сабабларидан бири харажатлар ўзини қопламаяпти. Шунинг учун ҳам бугунги кунда картошканинг серҳосил, касалликларга чидамли янги навларини олиб келишга катта маблағлар ажратилаяпти. Аслида вазият кескинлашмасидан олдин қандайдир чоралар ишлаб чиқилса бўлмасмиди?**

– Аввало, тан олиш керак, картошка етиштириш серхаражат юмушлар сирасига киради. Бир гектар ерда картошка парваришлаш учун тахминан 60 миллион сўм сарфланади. Унинг катта қисми уруғлик учун ажратилишини инобатга олсак, масала ойдинлашади. Фермерлар асосан уруғлик картошка етишмаслигидан қийналишади. Қолаверса, шу пайтгача уруғлик сотиб олиш бўйича бирон-бир имтиёз йўқ эди. Муҳтарам Президентимизнинг кўрсатмаси билан эндиликда картошкачиликни ривожлантириш борасида ҳам имтиёзли кредитлар ажратиладиган бўлди.

Картошка етиштиришда навбатдаги муаммо бу – вируслар. Ҳозир унга дахлдор 27 тадан ортиқ касаллик аниқланган. Шундан олтитаси бизда аниқ учрайди ва ҳосилдорликка кескин салбий таъсир кўрсатади.

Вируслар нафақат маҳаллий, балки четдан келтирилган уруғларни ҳам зарарлаяпти. Уларга қарши курашиш учун бир йилда 10 миллион дона микротуганак чиқара оладиган олтита лаборатория ташкил қилдик. Микротуганаклар деҳқоннинг қўлига элита уруғ бўлиб етиб бориши учун соҳада катта ишлар амалга ошириляпти. Янги навлар яратяпмиз. «Тошкент эртакиси» ва «Ўзбекистон қизили» шулар жумласидандир. Ушбу навларнинг ҳосили бошқаларининикига нисбатан анча юқори. Хусусан, ҳар гектар ердан ўртача 20-25 тонна ҳосил олинса, мен тилга олган янги навлардан 40 тоннагача хирмон кўтарилади.

Айни йўналишда Жанубий Корея, Венгрия давлатлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

**– Деҳқонга ёрдамнинг энг каттаси унинг маҳсулоти таннархи пасайишига кўмаклашишдир. Шубҳасиз, қишлоқ хўжалигида прогнозлаш масаласи ҳам муҳим. Бу йил қиммат бўлган маҳсулот келаси йил, албатта, арзонлаб кетади. Бу ўша прогнозлашнинг нотўғрилиги оқибатидир. Қолаверса, айнан шундай пайтда давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан бақамти туриб, ҳамкорликда ишлаши бўйича тактика етарли эмасдек.**

– Албатта, тактика йўқ десак, нотўғри бўлар. Сабаби, ҳар бир ҳудудда махсус тизимни йўлга қўйганмиз. Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича алоҳида ходимларимиз фаолият кўрсатишяпти. Улар жойларда фермер ва деҳқонлар билан мунтазам мулоқот қилиб боришяпти.

Ўрганишлар жараёнида аён бўлишича, бу йил шоли экилган майдонлар 41 минг гектарга кўпаймоқда. Ҳозир тахминан 34 минг тонна шолига эҳтиёжимиз бор. Шунингдек, бу маҳсулотга бошқа, асосан қўшни давлатлар ҳам эҳтиёжманд.

Ёки бошқа мисол. Томорқаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 2025 йилда 167 минг гектар ерга картошка экишни мўлжаллаяпмиз. 52 минг гектар ерда кўпроқ дуккакли экинлар етиштиришни режалаштираяпмиз. Чунки деҳқонларимизда мош экспортига қизиқиш кучли.

Мавриди келганда, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Баъзан режалар бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли амалга ошмай қолиши мумкин. Ҳосилдорлик эса, иставмизми-йўқми, об-ҳавога ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, 2023 йилда тахминан 1 миллион 600 минг тонна пиёз етиштирдик ва бу ички бозорни тўлиқ таъминлади. 2024 йилда ҳам шунча ерга пиёз экилди ва икки баробар кўп, яъни 3 миллион 200 минг тонна ҳосил олинди. Чунки бултур ёғингарчилик сероб бўлди.

Шубҳасиз, деҳқон даромад орттирмаса, меҳнатидан манфаат кўрмаса, соҳа ривожланмайди. Охир-оқибат бозорга ва халққа ҳам таъсирини ўтказади. Шу боис ушбу масалага жиддий эътибор қаратишимиз, манфаатдорликни таъминлаб беришимиз керак. Давлатимиз раҳбари ҳам бизнинг зиммамизга бозорлар билан алоқани кенгайтириш вазифасини бежиз юкламади. Бу борада вазирлик ва унинг ҳузуридаги Карантин агентлигида алоҳида тузилма ишлаяпти. Қисқаси, қайси маҳсулот бозорда қачон харидоргир бўлиши, унинг барқарорлиги масаласи ҳамиша диққат марказимизда. Бозорлар ташкил этиш, маҳсулотларни экиш, юқори ҳосил олиш, уларни етказиб беришдаги муаммолар бўйича иш олиб бораяпмиз. Бундан ташқари, қўшни мамлакатларда ҳам ўз маҳсулотларимиз бозорини очиш чораларини кўраяпмиз.

**– Қўшни давлатлар бозорларига қанча озиқ-овқат маҳсулотлари чиқарилмоқда?**

– Бурноғи йилда 2 миллиард 300 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилгандик. Бултур янги тизим бўйича 3,5 миллион тонна маҳсулот чиқаришни режалаштирдик. Амалда бу вазифа 125 фоизга бажарилди. Жорий йилда 3,5 миллиард долларлик маррани кўзлаяпмиз. Январь ойида 154 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Лекин бу кам. Бир ойлик экспорт ҳажмини камида 500 миллион долларга кўтаришимиз зарур.

**– Тан олиш керак, қай фаслда бозорга тушманг, тўкин-сочинликнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, меваларнинг кўплиги-ю турининг ранг-баранглигидан кўзингиз қувнайди. Бу яхши, албатта. Аммо иқлим шароитимиз қулайлигига, миришкор халқимиз борлигига қарамай, ўша ноз-неъматларнинг катта қисми четдан кириб келаётганини қандай баҳолайсиз?..**

– Афсуски, барчага маълум ҳақиқатдан кўз юмолмаймиз. Саволингизга «Корзинка» савдо тармоғи мисолида жавоб берсам. Унинг барча филиалларида бир кунда 200 минг тонна маҳсулот сотилади. Мевалар асосан четдан олиб келинади, сабзавотларнинг эса ҳаммаси маҳаллий.

Ўзимизда етиштирилган мевалар ширин бўлиши мумкин, аммо чирой жиҳатдан, яъни дастурхонбоплиги бўйича хорижникидан сал фарқ қилади. Масалан, ҳажми кичкина, чириган, яхши сақланмаган ёки қурт тушган бўлиши мумкин. Хуллас, мева борасида четдан келаётганлари билан рақобатлаша олмаяпмиз. Менимча, бу вақтинчалик ҳолат.

**– Энди бошқа бир масалага эътибор қаратсак. Охирги пайтларда электр ва газ истеъмолига ижтимоий чекловлар қўйдик. Ҳозир иссиқхоналарда асосан автомобиль шиналари, кўмир ва бошқа ёқилғилардан фойдаланилмоқда. Бу, аввало, пойтахтимизда ҳаво мусаффолигига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан тадбиркорларни ҳам тушуниш керак. Ҳар қалай, улар бу ишга атай ёки эрмак учун қўл уришаётгани йўқ. Бозорларни таъминлаётган ҳам шулар.**
**Хўш, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги нега айни ҳолатлар бўйича ҳукумат олдига масала қўймайди ва ечимлар бермайди? Масалан, қуёш панелларидан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида уларга қандайдир имтиёз ва преференциялар бериш бўйича нега таклифлар киритмайди?**

– Иссиқхоналар катта масала. Бу йўналишни тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш учун алоҳида ташкилот – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги мавжуд. Айтиш мумкин, ҳозирги иссиқхоналар бундан саккиз йил олдингисидан анча дуруст. Зарур шарт-шароитлар яратилаётгани натижасида уларнинг сони кун сайин кўпаймоқда.

**– Албатта, кўпайганига эътироз йўқ, лекин реал шароитни ҳам унутмаслик керак, назаримда…**

– Бугунги кунда тахминан 3 мингдан ортиқ шундай объект бор ва уларнинг бир қисми газ воситасида иситилади. Умумий ҳисобда иссиқхоналарнинг 50 фоизи кўмирдан фойдаланяпти, уни керакли ёқилғи сифатида ўзлари танлашган.

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан иссиқхоналарга имтиёз берилди. Яъни улар фойдаланган газ ҳақини уч ойдан сўнг, аниқроғи, ҳосил пишиб етилгандан кейин тўлайдиган бўлишди. Авваллари эса тўлов олдиндан амалга оширилар, газ кейин етказиб бериларди.

Бугун ресурслар чекланганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Шундан келиб чиқиб, ҳаракат қилишимиз керак. Ҳозир кам газ чиқарадиган кўмирга ўтиш ва бошқа мақбул чораларни кўриш юзасидан кенг қамровли иш олиб боряпмиз. Мақсадимиз таннархни арзонлаштириш ва рақобатбардошликни таъминлашдир.

**– Аммо тўловларни кечиктириш таннархни туширмаса керак…**

– Эътирозингиз ўринли. Тадбиркорларга қандайдир имтиёзлар бериш билан таннархни тушириб бўлмайди. Уни жиловлашнинг яна бир усули ҳосилдорликни оширишдир. Мана шу жиҳатни ҳам эътибордан қочирмаслигимиз зарур. Деҳқонларимизни қийнаётган муаммолардан бири, боя айтганимдек, янги, сифатли ва ҳамёнбоп уруғ масаласи. Уларни топиш мушкуллиги туфайли қўлбола уруғларни экишга мажбур бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилаяпти ва бу ўз-ўзидан ҳосилдорлик ҳамда рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатяпти.

Қуёш панеллари яхши технология, аммо иссиқхоналар учун маъқул эмас. Уларда кечқурунлари ҳам иссиқлик билан таъминлаш имкони йўқ. Агар батареялар қўйиб қилинадиган бўлса, таннарх янада ошишига олиб келади. Шунинг учун эндиликда замонавий технологияларга мослашишимиз лозим бўлади. Янги авлод иссиқхоналарида шунга эътибор қаратяпмиз.

Биргина мисол. Хитойда умумий ер майдони 3,5 миллион гектарга тенг иссиқхоналар мавжуд. Аксарияти энергия сарфисиз фаолият юритади. Улар инновацион усулда шакллантирилган. Яъни бир тарафи пахса билан ўралган, иссиқлик бир тарафдан бўлади. Кечаси махсус ёпинчиқ (кўрпа) билан ўраб қўйилади.

**– Суҳбатимиз давомида томорқачиликка тўхталмасак адолатдан бўлмаса керак. Чунки у бугун давлат сиёсати даражасида кўрилмоқда. Бу борада Президентимизнинг ташаббуслари таҳсинга сазовор бўлмоқда. Айниқса, «Сайхунобод тажрибаси» жуда яхши самара бермоқда. Назаримда, томорқага Ўзбекистончалик катта эътибор қаратаётган давлат бўлмаса керак…**

– Айни вақтда ер майдонларимизнинг қарийб 509 минг гектарини томорқалар ташкил қилади ва уларда 5 ярим миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилади. Бу жуда катта имконият. Аммо шу вақтгача ундан самарали фойдаланмаганмиз, билъакс, ўлда-жўлда иш тутганмиз, нописандлик билан қараганмиз. «Сайхунобод тажрибаси» томорқачиликда катта имкониятлар борлигини исботлади. Давлатимиз раҳбарининг аввалбошданоқ томорқа имкониятларига урғу беришининг асл сабабларини энди англаб етдик. Бу аслида миллионлаб одамларнинг тўқлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дегани. Қолаверса, оилада ерга муносабатнинг ўзгариши фарзандлар тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.

Ушбу ҳаракат иқтисодий ривожланишга, камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтиришга ҳам катта хизмат қилди, десак, янглишмаган бўламан. Мазкур тажриба ўзини оқлаганидан сўнг давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ҳужжатни имзолади. Унга мувофиқ, эндиликда томорқалар бўйича янги тизим шакллантирилиб, банклар бириктириладиган ва томорқа эгалари етиштирган маҳсулотларнинг мижози сифатида елка тутадиган бўлди.

Аслида 509 минг гектар кичкина ер эмас. Агар шу жойларда икки марта ҳосил олиш имкони мавжудлигини назарда тутсак, фойдани ўзингиз чамалаб кўраверинг. Бу худди одамлар қўлида турган, ишлатилмаётган миллионлаб доллар валютадек гап. Ҳозир томорқасидан 2-3 марта ҳосил кўтариб, 100 миллиондан 350 миллион сўмгача даромад топаётганлар ҳам бор.

Президентимиз бу ноёб тизимни амалиётга жорий қилаётган пайтлардаги асосий мақсад ҳам шу эди, аслида. Умуман, бундан кўзланган муддао фақат даромадни ошириш эмас. Унинг замирида келажак авлод, яъни ҳар бир хонадонда вояга етаётган болаларнинг тўла ва соғлом овқатланиши, таълим олиши каби муҳим масалалар мужассам. Зеро, соғлом ва бақувват фарзандни камолга етказиш иқтисодий манфаатдан анча юқори турадиган долзарб вазифа.

**– Эндиликда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши борасида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Айни пайтда Хитой ва Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро шартномалар имзоланди. Бу жуда катта қадам. Бироқ аъзоликнинг ўзига яраша шартлари ва талаблари бор. Масалан, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз уларнинг стандартларига жавоб бериши керак. Қишлоқ хўжалиги вазири сифатида айтинг-чи, деҳқону фермерни, бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги ишчиси, тадбиркорини нималар кутаяпти?**

– Бу борада катта натижаларга эришяпмиз. 166 та мамлакатдан энг барқарор 24 таси билан деярли келишиб бўлдик. Менимча, қолган жараёнлар ҳам тез кечади.

Ташкилотга қўшилишнинг фойдаси катта. Бозоримизга янги, ҳосилдор уруғлар, кўчатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мевалар кириб келади. Рақобат кучаяди, натижада таннарх пасаяди. Шу билан бир қаторда, ўзимиздаги маҳсулотларнинг ҳам сифати яхшиланади. Унга маълум талаблар қўйилади. Тўғри, тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларимизга бироз қийин бўлади. Рақобатлашиш осон кечмайди, лекин улар бозорга мослашиш ва таннархни камайтириш ҳаракатида бўлишади. Бундан, биринчи галда, истеъмолчи ютади. Танлов кўпаяди. Хуллас, рақобат бор жойда сифат яхши, нарх арзон бўлади.

**– Амударёдан Қўштепа каналининг барпо этилиши Ўзбекистон манфаатларига нечоғлик зарар келтиряпти? Шу ҳудуддаги деҳқонларнинг аҳволи қандай бўлади?**

– Албатта, оқиб турган сувнинг қандайдир қўшимча битта ариққа кириши ҳам дарров сезилади. Қўштепага ўхшаган йирик каналларнинг барпо этилиши Ўзбекистонга сезиларли таъсир қилади.

Биз бундан кейин яна шу каби каналлар, бошқа чақириқлар пайдо бўлишига ҳам тайёр туришимиз лозим ва бу табиий жараён. Шу боис ҳозир муҳтарам Президентимиз бошчилигида сув сарфини ва йўқотишларни камайтириш бўйича стратегия ишлаб чиқилди. Ички ариқларни-ку, айтмай қўя қолайлик, катта магистрал каналларимиз ҳам тупроқ ўзанли бўлган. Оқибатда камида 40 фоиз сув ер тагига сингиб кетарди. Ана шундай йўқотишлар олдини олиш учун барча ариқ ва каналларни бетонлаштириш бўйича катта дастур эълон қилинди. Ҳозиргача режалаштирилган ишларнинг 30 фоиздан ортиғини бажариб бўлдик ҳам. Бу йил ҳам ушбу йўналишда жуда катта режаларимиз борки, улардан асосий мақсад сувни тежаш. Шунингдек, томчилатиб суғориш технологиялари, бошқа технологиялар ва лазерларда ишлаш сув сарфини камайтиради.

**– Ўтган асрнинг 80-йилларида ва ундан кейин ҳам Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиёга буриш ҳамда шу тариқа Оролни тўлдириш лойиҳаси ҳақида кўп гапирилди, ёзилди, турли фикрлар билдирилди. Бугунги кунда баҳор кезлари Россия ва Қозоғистон ҳудудларида юз бераётган сув тошқинлари фонида ўша мавзу яна кўтарила бошланганига гувоҳ бўляпмиз. Сиз вазир ва олим сифатида ушбу масалага қандай қарайсиз?**

– Бу кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган жуда катта лойиҳа. Олим сифатида айтишим керакки, Сибирь дарёларини Марказий Осиёга буриш масаласида ҳали тўлиқ жавоби топилмаган саволлар жуда кўп. Масалан, нисбатан совуқ сувнинг катта миқдорда кириб келиши минтақамиз иқлимини ва асрлар оша шаклланган деҳқончилик маданиятини ўзгартириб юбормайдими? Оқимнинг бошқа томонга бурилиши келажакда ўша ҳудудларнинг ўзида ҳам сув танқислигини келтириб чиқармайдими?

Саволлар жуда кўп. Булар иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги борасидаги барча тартиб-тамойиллар ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган лойиҳа эканини пухта ўйлаб кўришга тўғри келади. Табиат ҳеч бир ўзгаришни оқибатсиз қолдирмаслигини доимо ёдда тутиш даркор. Шу маънода, бундай масалани кўтариб чиқиш ва бир қарорга келишда етти ўлчаб бир кесиш керак, деган фикрдаман.

**– Иброҳим Йўлчиевич, мулоқотга вақт ажратганингиз учун катта раҳмат.**



Ҳусан ЭРМАТОВ
*суҳбатлашди*

Ҳамал кирди – амал кирди.
Ўзбек халқ мақоли

2025-YIL 20-MART
PAYSHANBA
№ 34-35 (5099)



# САҲРО



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
*Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси*

## 1

*– Бу ёққа қаранг!* – хитоб қилди учоғимиз Ҳайдаркўлдан ўтганда ойкулчадай ойнадан осмонни томоша қилиб келаётган ҳамроҳим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли фотограф Абдуғани Жума. – *Ким айтади бу ерларни Қизилқум деб, чўл деб?!.*

Ўрнимдан ярим кўтарилиб, ташқарига мўралайман. Қарайману, юрагим ҳаприқиб кетади. Пастда эртакларда «Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди» дейилмиш чўл – Қизилқум эмас, афсонавий эрам боғлари ястаниб, товланиб ётгандай. Саратон қуёшида туя ўркачлари мисоли саф-саф барханлар аро кезинган сап-сариқ сароб ёлқинлари бугун худди мовий денгиз тўлқинларига айланиб, баҳор ҳаволарида бешик-бешик тўлғанаётгандай...

*– Қаерда бор бундай гўзаллик!* – самолётни бошига кўтаргудек ҳайқиради Абдуғани Жума. *– Навоий дейдилар буни!*

*– Ҳар қадами тилло – олтин, кумуш, мармар, фосфорит, уран, кварц, феруза, оҳактош..,* – дея мақтанишда тўхтамайди у:

*– юртимиздаги энг бой ва бепоён чўл қаерда? – Навоийда;*

*– энг йирик олтин ва кумуш конлари-чи? – Навоийда;*

*– энг катта иссиқлик электр станцияси,*

*– энг улкан цемент заводи,*

*– дунёдаги энг бебаҳо сур тери,*

*– Ўзбекистондаги машҳур кимё корхоналари ва мармар конлари ҳам Навоийда.*

*Бекорга саҳро жавоҳири, демайдилар.*

*Сармишсой, Сангижумон, «Тош ўрмон» мўъжизаларининг эса Ер юзида қиёси йўқ. Қучоғининг катталиги, бағрининг кенглигини айтмайсизми?*

*Ўзбекистонда Қорақалпоғистондан бўлак ҳудуди унга тенг келадиган вилоят йўқ! Бир ёғи Қорақалпоғистону Ҳайдаркўл, Қозоғистону Бухоро, яна бир томони Самарқанду Жиззах. Яна денг, дунёдаги Малави, Лесото, Словения, Сент-Люсия, Янги Каледония деган давлатлардан бир неча баробар катта.*

*– Биламан,* – шерик бўламан фотограф дўстимнинг ифтихорига. – *Қизилчанинг ўзига Тинч океанидаги Тонга деган давлатнинг икки-учтаси ўйнаб-ўйнаб сингиб кетади. Навоий мамлакатимиз вилоятлари орасида энг кенжаси бўлишига қарамай...*

*– Шундай. 1982 йилда ташкил этилган, 1988 йилда тугатилган. 1992 йили Биринчи Президентимиз ташаббуси билан яна қайта ташкил этилган,* – деб сўзимни бўлади у. – *Аҳолисиям унча кўп эмас, 1 миллиондан сал зиёд. Лекин бу вилоят тарихи ана шу йиллардан бошланади, дегани эмас. Унинг инсоният тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимий ва бой ўтмиши бор. Қизилқумда, Қоратовда, Нурота атрофларида қадимий манзиллар шу қадар кўпки, уларнинг баъзиларини юртдошларимиз ҳам яхши билмайди. Масалан, «Учтут» чақмоқтош шахтаси. Олимлар бундан 200-100 минг йиллар аввалги ибтидоий даврлардаёқ одамлар бу ердан чақмоқтош қазиб олганини исботлашган. Дастлабки пайтларда очилиб қолган ерлардаги чақмоқтош ғуддалари йирик тошлар билан уриб ушатилган. Кейинроқ бу юмуш ёғоч таёқлар, ундан кейин Бухоро оҳусининг шохларидан, ёввойи ҳўкиз, буғу ва бошқа жониворлар суякларидан ясалган чўкичлар, кураклар ёрдамида амалга оширилган. Ҳозиргача 48 та шахта ўрганилган ва ҳар бири ўртача 35-45 килограмдан бўлган 8000 та ғудда қазиб олинган. Бу жой ибтидоий даврда Марказий Осиёда чақмоқтош олинган ягона макон ҳисобланади. Бунақа шахталар жаҳонда камдан-кам учрайди.*

## 2

Ҳамроҳимнинг сўзлари «Очиқ осмон остидаги музей» – Сармишсойни эсга туширди.

Сармишсой петроглифлари – Ўзбекистон ҳудудида энг кўп, энг беқиёс қоятош расмлари сақлаб қолинган водий ҳисобланади. Бу ердаги қоятош суратларида, бундан 5-7 минг йил аввалги ҳаёт тасвирланган. Сармишсойда қарийб 22,5 километр масофадаги қоятошларга ўйиб солинган 10000 дан ортиқ расмлар билан юзма-юз келган киши беихтиёр минг-минг йиллар аввалги одамлар даврасига тушиб қолгандек сеҳрланади, ўйга толади; қўлидаги узун найзаларни ўқталганча ҳай-ҳайлаган кўйи баҳайбат ҳайвонларни қувиб бораётган овчиларнинг жанговар ҳайқириқларини эшитгандай бир ғалати титроқ қоплайди жону жаҳонини.

Қизил ва қора рангли қумтошларга ҳамда сланецли қояларнинг тик ва ётиқ сиртига солинган тасвирлар афсонавийлиги билан мафтун қилади; гажакдор шохли архарлар, тоғ эчкилари, ёввойи буқа-ю тўнғизларни найза-камонда овлаётган овчиларга қўшилиб кетаётгандек сезасиз ўзингизни.

Тасвирларнинг яна бир ҳайратли жиҳати шундаки, уларнинг баъзилари ёмғир ёққанда кўринса, айримлари қуёш нури тик тушганда пайдо бўлади. Шундай суратлар ҳам борки, уни кўзингиз ёруғлик қия тушганда ёки сояда илғайди.

Фақат шу эмас, Сармишсой азалдан ўзига хос жуда бой ҳайвонот дунёсига эга манзил ҳисобланган. Бу ерда ўсимликларнинг 62 оиласига мансуб 650 тури учрайди. Уларнинг анчаси Ўзбекистон «Қизил китоб»ига; капчабош илон, эчкиэмар, бургут, қора балиқ, кўлвор илон, сариқ илон, жўрчи, зарғалдоқ, каклик, бедана, жайралар эса Халқаро «Қизил китоб»га киритилган.

Умумий майдони 5000 гектардан мўлроқ бўлган ва «Сармиш» табиат боғи деб эълон қилинган ушбу тарихий мерос петроглифлари жаҳон миқёсида маданий ёдгорлик сифатида тан олинган.

Хатирчининг Сангижумон қишлоғидаги тебраниб турувчи антиқа тош ҳам дунёдаги камёб мўъжизалар сирасидан.

Сангижумон – форсчада тебранувчи, қимирловчи тош, деганидир. Қишлоқ номи ҳам сеҳркор тош номидан келиб чиққан. Ҳайбатли тошнинг айланасини 20, баландлигини 6 метр, вазнини эса 280 тонна, дейишади. Лекин шундай катта харсангни ҳамма бемалол қимирлатиши мумкин. Тебраниш тошнинг биқинига тираб қўйилган чўпларнинг эгилишидан билинади.

Археологларнинг таъкидлашича, Сангижумон 280 миллион йил аввал ер қаъридан кўтарилган суюқ ва қайноқ магматик жинслардан пайдо бўлган. Улар ўз вақтида ер қобиғини ёриб чиқа олмасдан, тахминан 250 миллион йил олдин маълум чуқурликда қотиб қолган. Содир бўлган кучли ва мураккаб тектоник ҳаракатлар ҳамда эрозия натижасида массивнинг тўши очилган. Бу ердаги жинслар бундан камида 10 минг йиллар илгари юзага чиққан. Денгиз сатҳидан 800-900 метр баландликда жойлашган мазкур харсанг дарани қоплаб ётган гранит тошларнинг йирик бир бўлаги.

Энг қизиғи, ҳудудда турли номдаги тошлар жуда кўп. Тошларга кўриниши ва шаклига қараб номлар берилган. Масалан, «Кобра тош», «Беш панжа», «Айиқнинг боши», «Жайра тош», «Ҳасса тош», «Қўзиқорин тош». Тебранувчи тош яқинида «Тешик тош» деган яна бир тош бор. Ривоятларга қараганда, бу тошнинг тешигидан фақат гуноҳи йўқ одам ўта олади.

Тешик тош ёнидаги ясси тош устида улкан оёқ излари кўзга ташланади. Баъзи ривоятларда Нуҳ кемаси Оқтовнинг энг юқори чўққиси – Лангар тоғида лангар ташлагани таъкидланса, бошқа бирида тошдаги излар тўфон суви қайтганидан сўнг ерга қадам қўйган пайғамбарнинг излари экани айтилади.

## 3

*– Биласизми, мамлакатимиздаги қазилма бойликларнинг 20 фоизи Навоий заминида*, – дея давом этди сафардошим. – *Мурунтов дунёдаги энг йирик конлардан бири. Бу замин жавоҳиротлар макони. Шунинг учун ҳам Навоийни «Она юртимизнинг олтин сандиғи» дейишади. Аммо...* – у чуқур хўрсинди, ўйланиб қолди.

Ҳамма билади, Навоий тупроғи нодир ва қимматбаҳо маъданларга бой.

Ўзбекистон заминида ўрганилган 60 дан ортиқ олтин конининг 40 таси Қизилқумда. Мазкур жавоҳирлар бугун тилло камарларини белга маҳкам боғлаб юртимизга, халқимизга хизмат қилмоқда.

Олтинимиз юқори сифати билан ҳам жаҳонга машҳур. 1998 йили Токио биржаси олтинларимизни сифат эталони, дея эътироф этди. 2019 йилда Лондон олтин қуймалари бозори ассоциацияси томонидан бозор талабларига тўла риоя қилиш борасида навбатдаги тест синовларидан муваффақиятли ўтганини тасдиқловчи сертификат тақдим этилди.

2011 йили «Мурунтов» конида дунёда ўхшаши йўқ ютуқ – Тик-қия конвейер мажмуаси ишга туширилди. Умумий узунлиги 3 километр бўлган мажмуа фойдаланишга топширилиши билан юкни етказиб беришдаги харажатлар 50 фоизга камайиб, кон чуқурлигидаги маъданларни ташишда автоағдаргичларнинг кўтарилиш баландлиги 300 метрга қисқарди.

Канадада жойлашган KITKO халқаро таҳлил маркази хулосасига кўра, «Мурунтов» кони 2020 ва 2021 йилларда жаҳонда биринчи, 2022 йили эса иккинчи ўринни эгаллади.

Сўнгги етти йилда янги конлар очилди, 5- ва 7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати ҳамда Нурота туманидаги «Пистали» кони негизида 6-гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди. «Ауминзо-Амантой», «Балпантов», «Турбай» конлари ишга туширилди. Натижада қайта ишлаш қуввати 2016 – 2024 йилларда 60 миллион тоннадан 105 миллион тоннага кўпайди. Ўсиш суръати 2023 йилга нисбатан 105,3 фоизга тенг бўлди. Олтин ишлаб чиқариш режаси 105,2 фоиз, кумуш ишлаб чиқариш эса 113,4 фоизга бажарилди.

*– Бир жойда ўқидим,* – деб жимликни бузди Абдуғани. – *2024 йилнинг ўзида комбинат 93,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарибди. Салкам 94 триллион! Ҳазил гапми бу? Энди ҳисобланг, мустақилликкача ўтган йилларда қанча олтин олинган?*

*Минг афсуски, бу олтинларнинг, ҳатто, чанги ҳам насиб этган эмас ўзимизга. Мурунтовни машҳур геолог, нуктадон олим Иброҳим Ҳамробоев очган. Хазинатопар бу сиймо конни очишга очган-у, аммо, кейинчалик бу ишидан қанчалар пушаймон бўлгани ёлғиз ўзи ва Аллоҳга аён бўлса керак. Чунки хазинани уни эгаллаб олган шимоллик хўжайинлар талайди, эшалон-эшалон ташиб кетади. Ҳатто, Истиқлолнинг дастлабки вақтларида ҳам унча-мунча ўзбек боласи қадам босолмасди комбинат остонасига. Мен шу ерликман, яхши биламан, яқинлаштирилмас, киритилмас, маҳаллий аҳоли учун тақатақ ёпиқ эди эшигидан туйнугигача.*

Дўстимнинг куюнишлари беҳуда эмас. Гарчанд, 1958 йили «Мурунтов» кони очилиб, Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилган, комбинат уран, олтин ва кумуш ишлаб чиқарадиган улкан корхонага айланиб, «Аср мўъжизаси» дея тан олинган эса-да, жавоҳирлар қатра-қатрасигача ташиб кетилар эди. 1969 йили кондан илк марта 11 килограмм 820 граммлик соф олтин ёмбиси олинади. 1971 йилдан 999.9 пробали олтин чиқарила бошланди. Аммо ушоғигача ялаб-юлқиб олиб кетилди бу бойликлар ҳам.

*– Энди у кунларга тош отишдан фойда йўқ...*

*– Тўғри!* – шартта сўзимни бўлади Абдуғани. – *Кетгани – кетди. Аммо ҳалигача манқуртча фикрловчиларнинг борлиги ва уларнинг «Ўша пайтлари колбаса фалон сўм, гўшт писмадон сўм эди» қабилидаги ёзғиришлари алам қилади одамга. Ғазабим қайнайди. Энг ёмони, қашшоқ ёки камбағал эмас, суриштирсангиз, биттаси омади чопмаган аламзада, бошқаси қайсидир вазифани эплолмай юмшоқ курсисидан айрилган собиқ амалдор бўлиб чиқади улар. Ростини айтсам, ичим ачийди уларга, инсоф берсин, элга қўшилсин, дейман. Лекин қачон қутуламиз бундай иркит кўрликдан. Кишанланган қўл-оёқ, занжирбанд эрк, ғижимланган адолат, ўз уйингдаги хўрлик, маънавий азоб... Ўлчаб бўларканми буларни ярим қадоқ колбаса билан?! Яратганнинг буюк туҳфаси, боболаримизнинг юз йиллик орзу-муроди-ку, Мустақиллик! Қул бўлиб қолаверсак, олтин дарёларимиз бурилармиди ўзимизнинг боғларга, ўзимизнинг дашту далаларга, ўзимизнинг кўчаларга? Қачон кўрардик бугунги ободликларни?!*

Фотограф бекорга ғазаблангани йўқ. Тўғри, тоғ боши тумансиз, кураш бехатар бўлмайди. Юз йил қул бўлиб яшагандан, бир кун ҳур бўлиб яшаган улуғ бахт эканини ҳис қилмайдиган, бир грамм олтиннинг баҳоси қанча эканини била туриб, ўзини анқовга солгувчи руҳан қашшоқ шахслар ўткинчи.

«Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир». Бугунги таҳликали замон Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бу васиятини қулоқларга қўрғошиндай қуйиб олишни талаб қилмоқда. Тангрига шукр, мамлакатимизда эл элга ёндашиб алпона муштларга, ирмоқлар ирмоқларга қўшилиб, жўшқин дарёларга айланаётир. Янгиликсиз, ғалабасиз кун йўқ. Қалбни ифтихорга тўлдиради Навоий вилоятидаги юксалишлар ҳам.

Маржон шодалари каби товланади, кўзларни қувонтиради бу ғалабалар. Айниқса, 2017-2024 йилларга оид мумтоз маълумотларнинг баъзиларига бир қур кўз ташлаган кишининг кўкси ғурурга тўлади, руҳи тоғдай кўтарилади.

2024 йили вилоятда 145 069,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 2017 йилдагидан 11 марта кўп. 21 813,1 миллиард сўмлик қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқ маҳсулотлари тайёрланди. Бу 2017 йилга нисбатан 3,2 марта ортиқ. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2017 йилга қиёслаганда 7,5 мартага ошиб, 117 297,7 миллиард сўмга етди.

Шунингдек, асосий капиталга киритилган инвестициялар ўтган йили 2017 йилга нисбатан 8,6 марта, пудрат ишлари 9 марта, чакана савдо айланмаси 3,5 марта, хизматлар ҳажми 6,5 марта, ташқи савдо айланмаси 2 марта, экспорт 3,7 марта ошди. 64 минг 700 та иш ўрни яратилди. 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш 34,1 фоиздан 86 фоизга, мактабгача таълим ташкилотлари сони эса 132 тадан 1750 тага етди.

Умумий ўрта таълим мактаблари сони 378 та бўлди. Президент мактаби ва 11 та «Баркамол авлод» мактаби, вилоят Болалар кутубхонаси, иккита давлат ва иккита хусусий университет ташкил этилди.

Спортчилар 2024 йилнинг ўзида республика миқёсидаги ва халқаро майдонларда 1857 та медални қўлга киритишди. Уларнинг 506 таси олтин, 467 таси кумуш, 786 таси бронза.

Навоий вилоятида туристик манзиллар ниҳоятда кўп бўлишига қарамай, соҳага узоқ йиллар унча эътибор берилмади. Масалан, 2017 йилга қадар вилоятда бор-йўғи 5 та оилавий меҳмон уйи, 5 йўналишда туристик маршрут ва битта туркомпания фаолият юритган. Кейинги йилларда оилавий меҳмон уйлар 122 тага, турмаршрутлар 70 тага, турфирмалар




# БУРИЛИШ НУҚТАСИ:

**Тарих бир жойда тўхтаб қолмайди. У ҳеч қачон қўнғироқни кутмайди, ҳеч қачон бир давлатнинг рози-ризолигига қараб ўтирмайди. У ўз йўлидан бориб, баъзан энг муҳим қарорларни айни ўша қарорлар қабул қилиниши керак бўлган манзиллардан узоқда қабул қилдиришни хуш кўради. 18 март куни кечқурун тарих айнан шундай ҳолатларнинг яна бирига гувоҳ бўлди. Москва ва Вашингтон ўртасидаги телефон мулоқоти нафақат дипломатик воқеа, балки геосиёсий ўйинда янги қоидалар тамал тоши қўйилаётганини кўрсатди.**

Путин ва Трампнинг икки ярим соатлик мулоқоти расман «конструктив» дея баҳоланди. Аммо шу кунга қадар тарихда «конструктив» деб аталган ким қанча музокаралар замирида халқлар тақдири ҳал қилинганини эсласак, бу сўз ортидаги воқеалар анча мураккаб экани аён бўлади. Украинанинг тақдири ҳам айнан ана шу мулоқот доирасида муҳокама қилинди, аммо бир тафсилот диққатни тортди – Киев у ерда йўқ эди.

Аксарият сиёсатшунослар ушбу мулоқот фақат Украина можароси атрофида айланишини тахмин қилганди. Бироқ суҳбат чоғида Қора денгиздаги энергетик хавфсизликдан тортиб жаҳон геосиёсий архитектураси каби глобал масалалар ҳам муҳокама қилинди.



## СУЛҲМИ ЁКИ ТАКТИК ТАНАФФУС?

Мулоқот сулҳ масаласини муҳокама қилишдан бошланди. Дональд Трамп энергетика инфратузилмасига зарбаларни 30 кунга тўхтатиш таклифини илгари сурди. Владимир Путин эътироз билдириб ўтирмади ва бу борада Россия ҳарбийларига тегишли кўрсатмалар берди. Бироқ Москва ҳам ўз шартларини қўйди: Ғарб Украинага кўрсатаётган ҳарбий ёрдамини, Киев эса мобилизация жараёнини тўхтатиши керак. Ушбу талаблар сулҳ ташаббусини деярли ультиматумга айлантирди. Россия томонининг фикрича, агар улар бажарилмаса, Украинага бу танаффус фақат кейинги тўқнашувлар учун қўшимча куч йиғиш имконини беради, холос.

Икки давлат раҳбари сулҳ имкониятларини муҳокама қилаётган бир пайтда Россия ҳамда Украина қўшинлари тўқнаш келаётган ҳудудларда жанглар тўхтагани йўқ. Хусусан, Украина қўшинлари ҳужумларни давом эттириб, Россиянинг нефть инфратузилмасига, жумладан, Краснодар ўлкасининг асосий нефтбазасига дронлар билан зарба берди. Албатта, бу вақтинчалик сулҳ имкониятини шубҳа остига қўйиши мумкин. Киев Трамп таклифига ҳозирча расман жавоб бергани йўқ. Аммо давом этаётган ҳарбий амалиёт дипломатик баёнотдан кўра кучлироқ далил эканини кўрсатмоқда.

## АСИРЛАР АЛМАШИНУВИ

Музокаралар натижасида 175 га 175 формуласи асосида ҳарбий асирларни алмашиш бўйича келишувга эришилди. Бундан ташқари, Россия оғир жароҳатланган 23 украин ҳарбийсини ҳам Киевга топшириш ташаббуси билан чиқди. Инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлиб кўринган мазкур қарор ортида мураккаб сиёсий жараёнлар соясини сезиш мумкин.

Авваламбор, бу жараён Москва ҳамда Киев ўртасида узоқ вақтдан бери олиб борилмаётган мулоқотнинг дебочасига айланиши мумкин. Қолаверса, Курск вилоятида қуршовга олинган украин ҳарбийлари масаласи ҳануз ўз ечимини топмаган. Кремль улар ё таслим бўлиши, ё ўлиши кераклигини очиқ-ойдин таъкидлаб келяпти. Ана шундай шароитда таклиф этилаётган сулҳ Киев учун фақат вақтдан ютиш ва кучларни қайта жойлаштириш имкони сифатида кўрилиши мумкин.

## УКРАИНА МУЗОКАРАЛАРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИМИ?

Путин ва Трамп ўртасидаги телефон мулоқоти Украина ва ЕИда катта ташвиш уйғотяпти. Зеро, Украина музокаралар жараёнидан деярли четлатилмоқда. Агар аввалари Киев АҚШ – ЕИ – Украина дипломатик учбурчагининг ажралмас қисми саналган бўлса, энди муҳим масалалар унинг иштирокисиз ҳал этилмоқда. Хусусан, 23 март куни Жиддада режалаштирилаётган музокаралар Украинанинг расмий иштирокисиз ўтадиган бўляпти.

Табиийки, шу ўринда Украина дунё сиёсатидаги мустақил

Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди.
Умар Хайём



# ЖАВОҲИРИ




Абдуғани ЖУМА олган суратлар

75 тага етди. 490 та янги иш ўрни яратилди. Сайёҳлар сафи 635 минг нафардан 2,2 миллион нафарга кўпайди.

«Туризм қишлоғи»га айлантирилган Нурота туманининг Сентоб овулида 9,4 миллиард сўм маблағ ҳисобига 5 километр йўл, 2 та сельфи зонаси ва бошқа туризм инфратузилмаси яхшиланди. 2 та меҳмонхона билан 20 та меҳмон уйи очилди, 60 киши ишли бўлди.

Эндиликда қишлоққа ҳар куни ўртача 300 нафар, бир йилда 44 минг нафар сайёҳ келаяпти. Барча хонадонлар туризмдан даромад олмоқда.

Яна Хатирчининг Лангар маҳалласида 20 та оилавий меҳмон уйи, лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмлик сельфи майдончаси, 5 та кемпинг ташкил қилиниб, 80 нафар аҳоли иш билан таъминланган бўлса, Конимех туманидаги «Янгиғазғон» МФЙда 500 ўринга эга ўтовли лагерь, отда ва туяда сайр қилиш, ов қилиш, 2 та ресторан, савдо дўконлари, транспорт ҳамда туркомпания хизматларини ўз ичига олган туризм кластери иш бошлади.

Ҳайдаркўл бўйидаги лойиҳа қиймати 18,3 миллиард сўм бўлган дам олиш масканида замонавий меҳмонхона, 5 та кемпинг, 2 та глемпинг, бассейн, ресторан ҳамда туркомпания хизматларини ўз ичига олган туризм кластери ташкил этилди. Шунингдек, Нуротадаги «Чашма мажмуаси», Конимехдаги «Мих ота» масжиди, Навбаҳордаги «Сармишсой» давлат музей қўриқхонаси обод қилинди. 1,3 миллиард сўмлик маблағ эвазига Учқудуқ туманидаги «Тош ўрмон» табиий археологик объектида реставрация ва консервация ишлари амалга оширилиб, атрофлари баландлиги 1,8 метр, узунлиги 1,3 километр бўлган панжара билан ўралди, тунги ёритиш чироқлари, кузатув камералари ўрнатилди.

Умуман, охирги икки йилда вилоятда 395 миллиард сўмлик 129 та туризм лойиҳаси ишга тушди, 340 километр масофада 60 та объектдан иборат 14 та туризм маршрутларини ўз ичига олган Навоий «туризм халқаси» ишлаб чиқилди.

Нурота тоғлари қучоғидаги Сентоб қишлоғи Бутунжаҳон туризм ташкилоти UNWTO-нинг Самарқанд саммитида «Энг яхши туризм қишлоғи» деб эълон қилинди ва Бутунжаҳон туризм қишлоқлари рўйхатига киритилди. «Работи Малик», «Сардоба», «Мирсаид Баҳром», «Қосим Шайх», «Мавлоно Ориф Дегароний» каби маданий мерос объектлари ЮНЕСКО-нинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатидан жой олди.

Худо хоҳласа, ҳадемай, Навоий шаҳрининг Ислом Каримов кўчасида 1,5 километр масофада лойиҳа қиймати 12 миллиард сўм бўлган «Туризм кўчаси» ташкил этилади.

Ҳа, Навоий вилояти ҳар жиҳатдан мамлакатимизнинг «Олтин сандиғи»га айланиб бормоқда.

### 4

Шу жойда битта ҳақли савол туғилади: хўш, «Олтин сандиқ»ни ким очди?

Мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига қилган ташрифлари мазкур саволга аниқ ва мукаммал жавоб беради.

Эътибор беринг, Президент 2017 йилдан буён ҳудудга 7 марта ташриф буюрди. Бу ташрифларнинг ҳар бири вилоят тарихида янги ва гўзал саҳифалар очди. Мана, уларнинг айримлари:

2017 йил. Шу йилги ташрифдан сўнг Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буғ-газ қурилмаси пойдеворига тамал тоши қўйилди.

«Мармаробод» давлат унитар корхонасининг ташкил этилиши; Нурота Чашмасида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши ва Навоий вилоятининг эркин иқтисодий зонага айланиши 2018 - 2019 йилги ташрифлар натижасидир.

«National plast» масъулияти чекланган жамияти томонидан саноатнинг янги тармоғи ПВХдан профил ва бошқа турдаги маҳсулотлар, «Green Line Profil» масъулияти чекланган жамияти томонидан алюмин профил ва алюмин маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани; Тўдакўл сув омбори ҳудудида «Golden lake fish» масъулияти чекланган жамияти тузилгани, «Янги Аср» фермер хўжалиги томонидан лойиҳа қиймати 60 миллиард сўмлик наслли қорамолчилик ҳамда сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилгани; Нурота ва Томди туманларида «Ёшлар меҳнат гузарлари» қурилиб фойдаланишга топширилгани; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорига мувофиқ, Ғозғон шаҳри ташкил этилгани ҳам Президент ташрифларининг ширин мевалари ҳисобланади.

Энди 2021-2022 йилги ташрифлар ҳақида. 2021 йилги ташрифдан кейин Кармана туманида мамлакатимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ишлай бошлади. «Навоийазот» акциядорлик жамиятида азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига старт берилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг техноген чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди.

2022 йилги ташрифдан сўнг «Zarafshon Oyna» МЧЖда қиймати 250 миллион долларлик, «Zarafshon industrial technology» қўшма корхонасида 60 миллион долларлик, «JVContinaz» МЧЖ ҚКда 62,5 миллион долларлик, «Chemistry International» МЧЖ корхонаси томонидан қиймати 16 миллион долларлик, «Uzbekistan Hydrogen Peroxide» МЧЖ ҚКда 27 миллион долларлик лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.

Навоий шаҳридаги 3 та чорраҳада тарихда биринчи марта сунъий интеллект технологияларига асосланган «Ақлли чорраҳа» тизими жорий қилинди.

«Янги Навоий» шаҳрини қуриш учун 1 минг 100 гектар ер Кармана туманидан Навоий шаҳрига ўтказилди.

Мамлакат раҳбарининг бултурги ташрифи доирасида эса шаҳарнинг Фаровон маҳалласида «GRATIS BUILDINGS» МЧЖ томонидан конгресс холл, 27 қаватли меҳмонхона, бизнес маркази, кўп қаватли тураржой комплекси қурилишига старт берилди.

«Янги Навоий» шаҳрида ишбилармонлик маркази ва «Янги Ўзбекистон» боғининг қурилиши учун 50 миллион доллар ҳамда 100 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Булардан ташқари, 3 миллиард 600 миллион долларлик 15 та лойиҳа бўйича Конимех туманида ёнувчи сланецларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг биринчи босқичи, Кармана туманида 300 мегаватт қуёш фотоэлектр станцияси ва 75 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизими, Навоий шаҳрида техник газ ишлаб чиқариш, Ғозғон шаҳрида мармар ва Зарафшон шаҳрида гранит тошларни қайта ишлаш, Учқудуқ туманида каолин қазиб олиш ва бойитиш, Хатирчи туманида балиқ озуқаси тайёрлаш корхоналари қурилишлари бошлаб юборилди.

Энди сўнгги йилларда аҳолини электр, газ, ичимлик суви, уй-жой билан таъминлаш йўналишига доир мисолларга мурожаат қиламиз:

2017-2024 йилларда халқни табиий газ билан таъминлаш 61,5 фоизга, тоза ичимлик суви билан таъминлаш 85,4 фоизга етди. 2391 километр автомобиль йўллари, 4695 километр электр узатиш тармоқлари, 155 километр табиий газ, 4575 километр ирригация ва мелиорация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

7 йилда 19640 хонадонли 1,2 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

Инвестициялар ва саноатни ривожлантириш ҳисобига 3,4 минг, хизматлар ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали 40,8 минг, қишлоқ хўжалиги йўналишида 74,1 минг, қурилиш соҳасида 5 минг нафар фуқаро иш билан таъминланиши туфайли бир йилда ишсизлик даражаси 6,3 фоиздан 1,9 фоизга туширилди.

Бундай муҳташам рақамларнинг ҳамма-ҳаммасида Юртбошимизнинг меҳнати, меҳри мужассам. Улар давлатимиз раҳбарининг олис-олисларни кўзлаган адолатли сиёсатининг ҳосилаларидир.

Режалар эса...

### 5

Режалар оламига ўтишдан аввал Навоийдаги яна бир мўъжиза – «Тош ўрмон» ҳақида икки оғиз сўз.

У Учқудуқнинг Мингбулоқ қишлоғидан ўттиз чақиримча наридаги Жарақудуқ дарасида жойлашган. Илмий фаразларга кўра, бундан тахминан 90-95 миллион йиллар аввал чинорлару қирққулоқлар тошга айланиши натижасида «Тош ўрмон» юзага келган.

Дунёнинг баъзи мамлакатларида ҳам ноёб тошларнинг сеҳрли оламини ўзида мужассам этган «Тош ўрмон»лар мавжуд. Хитойнинг Юнань провинциясидаги, Россиянинг Лена дарёси бўйидаги, Болгариянинг Варна ва София шаҳарлари оралиғидаги, АҚШнинг Аризон чўли ва Мадагаскарнинг Цинги-де-Бемараха миллий боғидаги тош ўрмонлар шулар жумласидандир.

Қизилқум «Тош ўрмон»ининг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳати шундаки, бу манзилда тош қотган чиғаноқлар, акула тишлари ва суяклари, дарахт танаси ва меваларидан тортиб, ўрдакбурун динозаврнинг тошга айланган болдир суякларигача учрайди. Буларнинг барчаси қачонлардир Қизилқум ўрнида улкан уммон бўлганидан далолат беради.

«Тош ўрмон»нинг шаклланишига оид қуйидаги фаразлар бор: ўша даврда дарахтлар ва сув остида ўсадиган паст буталар дарё бўйларида жойлашган. Атрофдаги қумлар сув билан оқиб келиши натижасида аста-секинлик билан дарахт атрофларига йиғилиб, тошга айлана бошлайди. Натижада ўсимликлар қурийди. Бутунлай қуриб битган дарахтлар ўрнида бўшлиқ пайдо бўлади ҳамда бу бўшлиқ қум ва чўкиндилар билан қопланади. Миллион йиллар давомида бу чўкиндилар тошга айланади.

Ҳар ишнинг ўз чамаси, ҳар дарёнинг ўз кемаси бор, дейдилар. Йўл билмаган манзилга етолмаганидек, узоқни чамалаб, режасиз сафарга чиққан кема ҳам тўфонлар гирдобига тушиб қолиши мумкин.

Навоийликларнинг 2025-2030 йилларга мўлжалланган режалари эса аниқ ва қуйма.

Бир қарашда осмон мўъжизаларини кўриб бўлмагандек, бир мақолада ҳам катта вилоят кўзлаётган манзилларни қамраб олиш мумкин эмас. Шу боис бепоён режаларнинг айримларини тилга оламиз. Энг аввало, ноёб хазиналар ҳақида. 2030 йилгача олтин ишлаб чиқариш – 1,5 баробар, кумуш – 3 баробар, уран – 3 баробар, мис – 3,5 баробар ошади. Кон-металлургия комбинатида 20 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

1 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 16 тага етади.

Зарафшон ва Ғозғон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ туманидаги 3 та ихтисослашган саноат зонасида 57 та лойиҳа ишга туширилади.

Кимё саноатида 525 миллион долларлик 62 та лойиҳа амалга оширилади.

Экспорт 5 баробар кўпайиб, унинг йиллик ҳажми 1,1 миллиард долларни ташкил этади.

Вилоятнинг эркин ва кичик иқтисодий саноат зоналарида, Ёшларнинг тадбиркорлик ва саноат зоналарида 290 та лойиҳа амалга оширилиб, қарийб 6000 та янги иш ўрни яратилади.

6000 та иш ўрни.

Бу рақам, агар мазкур оилаларнинг ҳар бирида иккитадан жон бўлса 12 минг, учтадан бўлса 18 минг, тўрттадан бўлса 24 минг инсоннинг қалбига қувонч, дастурхонига тўкинлик, оиласига хотиржамлик, эртанги кунига ишонч олиб кирди, дегандир!

Бундан ташқари, шаҳарларда 14 364 та хонадонли 159 та кўп қаватли уй бунёд этилиши, 30 964 та хонадондан иборат 774 та уйнинг таъмирланиши, туманларда 2158 хонадонли 55 та уй-жой қурилиши бу ҳисобга кирмайди.

Тижорат банклари ҳам қараб турмайди. Улар 15 744 нафар кишига 4 533 миллиард сўм ипотека кредити ажратади.

Яна: 232,3 километр узунликда суғориш тармоқлари қурилади.

136,9 километр коллектор-дренаж тармоғи қурилиб, 1650 километр коллектор-дренаж тикланади, 125 та кузатув қудуқлари таъмирланади.

Хатирчи туманидаги Лангар, Ангидон, Нурота туманидаги Чуя қишлоқлари «Туризм маҳалласи» ва «Туризм қишлоғи»га айлантирилади...

Бундай муалло рақамлар билан юзма-юз турганда беихтиёр Абдулла Ориповнинг машҳур сатрларини ҳайқириб-ҳайқириб такрорлагинг келади:

**Мустақиллик нашъасин, ҳаққинг бордир, сур энди,**
**Қўлни бериб қўлларга, бир тан бўлиб юр энди!**

### 6

– *Қанийди қушга айланиб қолсам,* – хаёлимни бўлди Абдуғани Жума. – *Жуда бошқача бўлади-да Қизилқумнинг баҳори. Ҳаммаёқ ям-яшил. Майсалар бўлиқ, гиёҳлар зангор, қизғалдоқлар ғунчалаган, чумолилар ўт-ўланлар баргида югуради, ўйнайди. Еру жаҳон кўклам ҳидига тўла...* – Абдуғани чечаклар нафаси гуркираб димоғига урилаётгандек энтикади.

– *Филнинг тушига Ҳиндистон кирармиш... Ҳар қушга ўз бутаси азиз-да.*

– *Ҳар битта кўкатниям суйган тупроғи бор! Одамга киндик қони томган ердан улуғи йўқ. Абдулла акам бекорга:*

«**Қорликларни макон этган бўлсайдинг,**
**Меҳрим бермасмидим ўша музларга?**»

демаганлар.

Фотограф дўстимнинг қуш бўлиб учишига ҳожат қолмади.

Салонда стюардессанинг жарангдор овози янгради:

– *Ҳурматли йўловчилар, самолётимиз бир неча дақиқадан кейин Навоий шаҳрининг халқаро аэропортига қўнади.*

Биз ғазал мулкининг султони, улуғ мутафаккир, бетакрор сиймо Алишер Навоий ҳазратлари номи билан аталгувчи ўлка – она юртимизнинг «олтин сандиғи» – Навоий вилоятига етиб келган эдик...

# Украина тақдири Киевсиз ҳал бўлаяптими?

субъектдан савдо объектига айланиб қолмаяптими, деган ҳақли савол туғилади. Ваҳоланки, воқеалар ривожи Вашингтон ҳамда Москва Киев манфаатларини инобатга олмаган ҳолда муроса излаётганини кўрсатяпти. Трампнинг ўзи аввалбошдан АҚШ Украина можаросини чексиз молиялаштира олмаслигини бот-бот таъкидлаган эди. Демак, мантиқан олиб қараганда, унинг маъмурияти Киев манфаатларини ҳисобга олмаган келишув вариантларини кўриб чиқишга ҳақли. Дипломатик доираларда мазкур телефон сўзлашувидан сўнг «Агар сиз музокаралар столида бўлмасангиз, демак, таомномадасиз» деган ибора тобора кўпроқ янграяпти.

## ЖАҲОН ЛИДЕРЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ МУНОСАБАТИ

Бу мулоқотга жаҳон етакчилари ва халқаро ташкилотлар турлича муносабат билдиряпти. АҚШда Трампнинг махсус элчиси Стив Уиткофф музокараларни «узоқ муддатли тинчликнинг бошланиши» дея таърифлаган бўлса, расмий Вашингтон ҳозирча умидбахш баёнотлардан тийилиб, бу жараён фақат энергетика объектларига ҳужумларни вақтинча тўхтатиш ҳақида эканини таъкидламоқда.

Европадаги қарашлар иккига ажралган: Франция ва Германия деэскалация билан боғлиқ уринишларни қўллаб-қувватлаётган бўлса, Буюк Британия ҳамда Польша мутлақо тескари позицияни эгаллаб, Украинага ҳарбий маслаҳатчилар юбориш имкониятини муҳокама қилмоқда. Бу эса АҚШ ҳамда Россия эски қитъа иштирокисиз келишувга эришиши мумкинлигидан хавотирга тушиб қолган Европа Иттифоқи ичидаги бўлинишни янада кучайтиряпти.

БМТ расман музокараларни қўллаб-қувватлаган бўлса-да, бу жараёнда Украинанинг иштирок этмаётганидан таассуфда эканини билдирди.

Жаҳон матбуоти ҳам бу воқеага турлича баҳо беряпти. The Guardian «Катта савдо бошлангани» ҳақида ёзган бўлса, Sky News (Буюк Британия) Украинасиз музокаралар – унинг ортида олиб борилаётган келишув эканини таъкидламоқда. Le Parisien (Франция) мулоқотни «Россия – АҚШ муносабатларидаги янги саҳифа» сифатида баҳолаган бўлса, Corriere della Sera (Италия) музокараларнинг агрессив эканига ишора қилиб, «Хоккей дипломатияси» деган иборани қўллади.

## КИЕВ МУРОСАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАМИ?

Қатъий баёнотларига қарамай, Зеленскийга асло ҳавас қилиб бўлмайди. Бир томондан, у АҚШ қўллаб-қувватловига ҳар қачонгидан муҳтож, иккинчи томондан эса халққа вазиятни назорат қилаётганини кўрсатиши керак. Ҳозирча унинг расмий муносабати ўзгаришсиз қолмоқда. Бироқ сиёсий кулуарларда Вашингтон ва Москва ўртасидаги музокаралар Украинани муайян муросаларга мажбурлаши мумкинлиги муҳокама қилинмоқда.

## КУН ТАРТИБИДА ФАҚАТ УКРАИНА ЭМАС

Путин ва Трамп Украина можаросидан ташқари, дунё хавфсизлигига таъсир қилувчи бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилишди. АҚШ Эрон масаласида жиддий хавотирда эканини билдириб, Теҳрон «ҳеч қачон ядро қуролига эга бўлмаслиги керак»лигини таъкидлади. Бироқ Россия ҳозирча бу борада ўзининг нуқтаи назарини ошкор этгани йўқ. Мулоқот чоғида Қора денгиздаги хавфсизлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Москва ва Вашингтон минтақада кемалар ҳаракатини барқарорлаштириш бўйича чоралар юзасидан фикр алмашишди, бу эса жаҳон савдоси учун стратегик аҳамиятга эга. Шу билан бирга, дипломатик доираларда энергетика соҳасидаги маълум бир ёнбосишлар эвазига Россияга қарши санкциялар қисман юмшатилиши мумкинлиги ҳақидаги гап-сўзлар ҳам пайдо бўлди.

## ТИНЧЛИК САРИ ҚАДАММИ ЁКИ ЯНГИ ЭСКАЛАЦИЯ ОЛДИДАН ТАНАФФУС?

Мазкур телефон мулоқоти икки давлат раҳбари ўртасидаги оддий фикр алмашинувидан кўра муҳимроқ экани тобора аён бўлиб боряпти. У жаҳон дипломатиясида катта ўзгаришлар юз бераётганидан дарак беради. Вашингтон учун бу Украина можаросидан талафотсиз ҳамда «ғолиб» сифатида чиқиш имконияти дея баҳоланмоқда. Аммо унинг учун ушбу жараён АҚШ шартлари асосида кечиши жуда муҳим. Москва учун эса бу ҳарбий муваффақиятларни сиёсий ютуқларга айлантириш имконидир. Европа учун ушбу мулоқот хавотирли тус оляпти. Чунки ЕИ ушбу келишувлардан четда қолиши эҳтимолдан холи эмас. Украина учун эса бу жуда оғир синовнинг бошланиши бўлади: у ё ён босиши, ё Ғарб қўллаб-қувватловидан умидини узиши керак. Лекин ҳануз энг асосий саволга жавоб йўқ. Ҳақиқатан ҳам, ушбу мулоқот тинчлик жараёнининг илк қадамига айланадими ёки янги кескинлик олдидан вақтинчалик танаффусми? Саволнинг жавоби 23 март куни Жиддада бўлиб ўтадиган учрашувдан сўнг маълум бўлиши мумкин. Бироқ ҳозирданоқ аниқки, Украина бу можародаги асосий ўйинчи позициясини аста-секин йўқотяпти. Энди қарорлар Киевда эмас, балки бошқа пойтахтларда қабул қилинмоқда.

Бу орада дипломатик идоралардаги телефон қўнғироқлари тинмаяпти. Ҳар бири жаҳон тарихида янги бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин.



Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

Наврўз халқимизнинг борлигини, улуғлигини намоён этувчи, халқ маънавиятининг ибтидосидан келаётган қадимий байрамдир.

Шомирза Турдимов

2025-YIL 20-MART
PAYSHANBA
№ 34-35 (5099)

# ТЎҚСОН ЙИЛЛИК ТАРИХ

## ЁХУД НУРОТАЛИК ЗИЁЛИЛАР ҲИМОЯСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР



Ҳадия Юсупова (1934-1938) | Ислом Носирхўжаев (1939-1940) | Ислом Бобохўжаев (1941-1945) | Фазлиддин Баҳромов (1946-1950) | Жабборжон Юсупов (1951-1958)



Нарзулло Луқмонов (1959-1972) | Маҳмуд Юсупов (1973-1985) | Шодигул Файзиева (1986-1989) | Акбар Суннатиллоев (1989-1999) | Қаҳҳор Раҳмонов (1999 йилдан ҳозиргача)

**БУ ЙИЛ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИ. САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН КАСАБА УЮШМАЛАРИТАРИХИГА ОИД КЎПЛАБ МАЪЛУМОТЛАР ЮЗАГА ҚАЛҚИБ ЧИҚМОҚДА. УЛАРДАН БИРИ БИЛАН ТАНИШИБ, НУРОТАЛИК ЗИЁЛИЛАРНИНГ ИШЛАРИДАН ЎРНАК ОЛИШ ЛОЗИМ, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛДИК.**

Гап шундаки, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгаши томонидан ўз тарихини ўрганиш анча йиллар олдин бошланган. Изланишлар натижасида 1934 йилдан кейинги даврларда туман халқ таълими тизимида касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаган инсонларнинг исм-шарифлари ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар тўпланган.

Ҳозир нуроталик зиёлилар қўлида 90 йиллик тарихга оид маълумот ва расмлар бор. Қувонарлиси, уларнинг барчаси туман кенгаши биносига кўргазма қилиб қўйилган.

Унда келтирилишича, 1934 йилдан бугунги кунгача қуйидаги инсонлар туман халқ таълими тизимида ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бош-қош бўлишган:

1934-1938 ЙИЛЛАРДА – ҲАДИЯ ЮСУПОВА;
1939-1940 ЙИЛЛАРДА – ИСЛОМ НОСИРХЎЖАЕВ;
1941-1945 ЙИЛЛАРДА – ИСЛОМ БОБОХЎЖАЕВ;
1946-1950 ЙИЛЛАРДА – ФАЗЛИДДИН БАҲРОМОВ;
1951-1958 ЙИЛЛАРДА – ЖАББОРЖОН ЮСУПОВ;
1959-1972 ЙИЛЛАРДА – НАРЗУЛЛО ЛУҚМОНОВ;
1973-1985 ЙИЛЛАРДА – МАҲМУД ЮСУПОВ;
1986-1989 ЙИЛЛАРДА – ШОДИГУЛ ФАЙЗИЕВА;
1989-1999 ЙИЛЛАРДА – АКБАР СУННАТИЛЛАЕВ.

1999 йилдан ҳозирги кунгача Қаҳҳор Раҳмонов Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгаши раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Биз ушбу маълумотлар қандай тўпланганига қизиқиб, у билан боғландик.

– Йигирма олти йилдирки туман педагогларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келяпман, – дейди Қ. Раҳмонов. – Кенгашимиз тарихи мени ҳамиша қизиқтирган. Шу боис, ўн йилдирки, изланишдаман. Бунинг учун кекса устозлар билан суҳбатлашдик, мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги архивлардан маълумотлар қидирдик. 2021 йилда нуроталик Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рустам Аҳмедов билан «Илк мактаб тарихи» номли китоб чоп этдик. Уни нашрга тайёрлаш жараёнида шу пайтгача бизга номаълум бўлган айрим маълумотларни ҳам қўлга киритдик.

Масалан, 1934 йилдан 1938 йилгача Халқ таълими бўлими касаба уюшмаси раиси бўлган Ҳадия Юсупова кейинчалик Самарқанд вилояти касаба уюшмаси кенгашида ҳам ишлагани маълум бўлди. У асли бухоролик бўлиб, Нуротага келин бўлиб тушган. Аёллар кўчага чиқиши, юз очиши мумкин бўлмаган замонда ўз уйида қизлар мактабини очиб, уларга савод бериш борасида катта жасорат кўрсатган. Албатта, унга бу ишда маориф шуъбаси раҳбарлари ҳамда фаол маҳалладошлари ёрдам беришган.

Бундан ташқари, Ҳадия Юсупова 1926 йилда «Қўрғон» маҳалласида яна битта қизлар мактабини очиб, унда ўзи дарс беради. 1928 йил кечки мактаби қошида хотин-қизлар клубини ташкил этади.

Ҳадия Юсупова 1932 йили Бухородаги хотин-қизлар мактабига мудир бўлади. 1938 йилда Самарқандга келиб, турли мактабларда дарс беради, директорлик қилади. Меҳнатлари кўплаб орден ва медалларга муносиб кўрилади. Жумладан, 1944 йилда республикада биринчилардан бўлиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонини олган. Бу шижоатли аёл хотираси бугун халқимиз ёдида. У яшаган «Достон» маҳалласидаги уй деворида Ҳадия Юсупованинг номига хотира сифатида мармарга ўйиб ёзилган лавҳа бор.

Ҳа, тарихни, архивларни ўрганиш кечаги ишлар билан танишиш имконини берибгина қолмасдан, касаба уюшмалари тизимида ишлаган жонкуярлар ва фидойиларни ҳам кашф этмоқда. Уларнинг намунали ҳаёт йўли бугунги соҳа ходимлари учун ҳам шамчироқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.



Зебо НАМОЗОВА
*«ISHONCH»*

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда миграциянинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди. Президент фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миграция агентлиги ва унинг вилоятлардаги филиаллари, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Миграция жамғармаси ташкил топди. Меҳнат мигрантларининг йўл чиптаси, «ишчи виза»си, хорижий тил ёки касб бўйича имтиҳон харажатларини қоплаш, чет элда мураккаб вазиятга тушиб қолган фуқароларга кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлаш механизмлари жорий этилди.**

# БОЛТИҚБЎЙИ ТАЖРИБАСИ:

## МЕҲНАТ БОЗОРИДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИМИЗ КЕРАК

Йиллар давомида ўзбек меҳнат мигрантларининг энг кўп қисми Россия, Қозоғистон, Туркия ва Жанубий Кореяга кетган бўлса, ҳозирги кунда вазият тубдан ўзгарган. Уларнинг аксарияти Европа Иттифоқи давлатларига ишга кетяпти.

Бундан 10 йилча муқаддам биргина Россия Федерациясида ишлаётган ватандошларимиз сони уч миллион нафардан ортиқ эди. Миграция жараёнларининг ҳозирги босқичида бошқа юртларга кўча супуриш, қоровуллик, энагалик, молбоқарлик каби малака талаб қилмайдиган ишларга бориш даври деярли ортда қолди. Чунки бу ишларда катта даромад олиш имкони ниҳоятда кам. Ўша маошни юртимизда ишлаб ҳам топиш мумкин.

Ўтган 7 йил давомида мамлакатимизга киритилган чет эл инвестициялари ҳажми 120 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу маблағларни ўзлаштириш эса, табиийки, жуда кўплаб иш ўринларини талаб қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими рўйхатида турган оилаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварига, уларнинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ногирон оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик аравачаси, эшитиш аппарати ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараварига тенг бир марталик моддий ёрдам кўрсатиляпти. Меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида улар билан бирга истиқомат қилувчи пенсия ёшига етган ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига касаба уюшмалари тизимидаги санаторий ва профилактик даволаниш муассасаларига бир марталик бепул йўлланма ҳамда болаларига мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланма ажратиляпти.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизими ходимлари томонидан миграцияда юрган фуқаролар сонини аниқлаш, уларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимояланиш шарт-шароитларини ўрганиш бўйича жуда катта ишлар амалга ошириляпти. 2024 йилнинг июль ҳолатига кўра, миграциядаги фуқаролар сони мамлакат бўйича 2 миллион нафарни, вилоят бўйича эса 104,2 минг нафарни ташкил этган.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ишчи гуруҳи таркибида Латвия ва Литва давлатларида юртимиз меҳнат мигрантлари учун яратилган шарт-шароитлар, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя аҳволини ўрганиш юзасидан хизмат сафарида бўлиб қайтдик. Сафаримиз жуда самарали кечди, кўп тажрибалар алмашдик, миграция даражаси ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлдик.

Айни кунда Литвада 11 минг нафарга яқин юртдошларимиз истиқомат қилаётгани, уларнинг 30 фоизидан ортиғи логистика, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилаётгани ва ижтимоий ҳимояси таъминланганига амин бўлдик.

Хизмат сафари чоғида бир неча ватандошларимиз билан суҳбатлашиш имкони ҳам туғилди. Шунингдек, Литва касаба уюшмалари ёрдамида жуда кўплаб ватандошларимиз ишлаётган «Хоптранс» акциядорлик жамиятида бўлиб, у ерда ҳайдовчилар учун яратилган шарт-шароитлар, иш ҳақи ва бошқа қўшимчалар, ижтимоий ҳимоя, малака ошириш, мамлакат тилини ўргатиш масалалари қай даражада ҳал қилинаётганини ўргандик. Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2024 йилда Литвадан давлатимизга келиб тушган пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 2023 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошиб, 62,6 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёшларимиздан ҳозирги пайтда меҳнат бозорида долзарб касб-ҳунар эгаларини тайёрлаш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз зарур, деган хулосаларга келдик. Энг аввало, ёшларга замонавий касблар бўйича етарлича билим ва кўникма берилиши, хорижда меҳнат қилиб, даромад топишни истаган ҳар бир шахс ўз она тилидан ташқари, чет тилларидан бирини пухта ўзлаштириши лозим.

Мамлакатимизда айрим депутатларнинг чет элдан юборилаётган валюталардан солиқ олинмаётгани ҳақидаги эътирозларига ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлардан хабардормиз.

Зотан, улар орқали мамлакатимизга юборилаётган пуллар ҳажми олтин экспорти тушумлари ҳажмидан ҳам кўпроқ, ялпи ички маҳсулотнинг 14 фоизидан ошади. Биргина ўтган йили чет элларда ишлаётган мигрантлар ҳисобига 15 миллиард АҚШ доллари миқдорида тушумлар келиб тушган. Бу маблағлар қайси мамлакатдан жўнатилаётган бўлса, ўша давлат қонунлари асосида солиққа тортилган маблағлардан кейинги қолган сумма ҳисобланади. Масалан, Литвада ишловчи ходимларнинг даромад солиғи 32 фоизни ташкил қилар экан. Бинобарин, бир марта солиққа тортилган ойлик маошдан такрор солиқ ундириш ҳеч қайси мантиқ ва адолат тамойилига тўғри келмайди.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида чет эллардан жуда катта миқдорда инвестициялар киритилаётгани, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар, уй-жойлар қурилиши амалга оширилаётгани натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилаётгани чет элга ишлашга кетаётган фуқаролар сони бироз камайишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси сони эса йилига қарийб бир миллион кишига кўпаймоқда. Бу келгусида аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини юзага келтириб, бутун дунёда замонавий билим ва интеллектга эга ёш мутахассис кадрларга бўлган талаб ҳам ошиб бораверади деганидир. Келгусида миграцияга кетаётган фуқаролар меҳнат ва ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш, ёшларимизга чет элдаги замонавий касб ва ҳунарларни чуқурроқ ўргатиш давр талабига айланиб бораверади.



**Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси*

# ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айни пайтда уларнинг ижодий, илмий ва касбий салоҳиятини ривожлантиришда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси фаолиятни муносиб йўлга қўйган.**

Хусусан, Иштихон тумани 2-сон политехникуми ўқитувчиси Муборак Бориева пазандачилик, Андижон шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати ўқувчиси, футзал бўйича Ўзбекистон чемпиони Абдулазиз Даминов футзал, Зомин тумани политехникуми талабаси Ҳумоюн Илҳомов аралаш жанг санъатидан халқаро мусобақаларда қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаб келишяпти.

Таъкидлаш ўринлики, ташкилот ва корхоналардаги жамоа келишувлари ва шартномаларида ёшлар учун алоҳида боблар ажратилган. Яъни узоқ муддат фойдаланадиган товарларни харид қилиш, уй-жой қурилиши, ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш, иш берувчининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, янги ишга жойлашган битирувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш каби қатор қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Қўллов самараси ўлароқ тармоқ тизимидаги 165 минг нафардан зиёд ёшлар сафидан илмий даража олган ва олаётганлар сони ошиб бормоқда.

Ёшлар сиёсати давлатнинг инновацион фаолиятидаги асосий йўналишларидан биридир. Бу жараён туфайли юзага келаётган барча соҳалардаги ўзгаришлар ўғил-қизларимиз учун мотивация бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, тизимдаги иқтидорли ёшларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилятпи. Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ёшлар билан учрашувлар ўтказилиб, улар ичидан аниқланган иқтидор эгаларининг қобилиятини рўёбга чиқаришда нималар зарурлиги ҳақидаги масалалар ҳал этиляпти. Бундай учрашувлардан англашиляптики, кичик бир қўллов ҳам ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнамоқда.

**Мирзиёд ЮСУПОВ,**
*Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ёшлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси*

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**Коррупция – жамият танасида чуқур илдиз отган иллат. У давлат бошқарувини емириб, адолат мезонларини бузади, тараққиётга ғов бўлади. Бу нафақат иқтисодий жиноят, балки маънавий инқироз, жамият келажагини хавф остига қўювчи жиддий таҳдиддир.**




Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияни енгмаган давлатлар тараққий этмайди. Ёруғ келажак сари дадил қадам ташлаётган мамлакатларда эса, аввало, коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилган. БМТ таҳлилларига кўра, коррупция туфайли жаҳон иқтисодиёти ҳар йили салкам 3 триллион доллар зарар кўради. Бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 4 фоизи деганидир.

Ўзбекистонга ҳам бу муаммо бегона эмас. 2023 йил мамлакатда коррупция туфайли кўрилган иқтисодий зарар 3,6 триллион сўмга етган. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,25 фоизини ташкил этади. Бундай кўрсаткичлар коррупцияга қарши курашиш иқтисодий барқарорлик ва давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканидан далолат бериб турибди.

Бугун Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш нафақат ҳуқуқий ёки иқтисодий вазифа, балки миллий ғоя, адолат ва ривожланишнинг тамал тоши сифатида қаралмоқда. Бу иллатга барҳам бериш учун нафақат жазо чоралари, балки унинг сабабларини аниқлаш ва олдини олиш механизмларини жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг марказий нуқтасига айланди. 2017 йилдан бошлаб, давлатимиз коррупцияга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли дастурларни қабул қила бошлади. Бу йўналишда миллий модель шакллантирилиб, давлат органларининг масъулияти оширилди.

Коррупцияга қарши миллий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдир. Халқаро экспертлар фикрича, бу иллатни фақат қонунлар қабул қилиш ва жазо чораларини кучайтириш билангина бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ва жамиятнинг коррупцияга қарши маънавий иммунитетини ошириш ҳам сув ва ҳаводек зарур.

2025 йил 5 мартда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши бу борадаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари коррупцияни ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ сифатида таърифлаб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва шаффофликни таъминлаш учун 55 та устувор ташаббусни илгари сурди.

Президентимиз ўз нутқида коррупциянинг аксарият ҳолларда маҳаллий даражада, яъни туман ва маҳалла миқёсида содир этилаётганини таъкидлади. Хусусан, коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи айнан шу даражада рўй бермоқда. Демак, бу муаммони ечиш учун маҳаллий даражадаги назоратни кучайтириш ва жойлардаги давлат органлари очиқлигини таъминлаш талаб этилади.

Коррупцияга қарши самарали курашиш учун нафақат жиноятларни аниқлаш ва жазолаш, балки унинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун жамиятда шаффофликни таъминлаш, давлат бошқарувини самарали ташкил этиш ва ҳуқуқий онгни ошириш йўналишларида иш олиб борилиши зарур. Қуйида коррупцияга қарши курашиш бўйича устувор йўналишлар ва уларнинг амалий натижалари ҳақида фикр юритамиз.

## 1. КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ

Коррупцияни фақат жазолаш орқали енгиб бўлмайди. Унга йўл қўймаслик учун иқтисодий ва бошқарув тизимида очиқликни таъминлаш зарур. Бунга эришишнинг энг самарали йўлларидан бири — давлат харидларида рақамли шаффофликни кучайтириш ва инсон омилини камайтириш.

Масалан, хорижий тажрибадан келиб чиқадиган бўлсак, Жанубий Кореяда барча давлат харидлари тўлиқ электронлаштирилган. Бу тизим «KONEPS» деб номланиб, тендерлар очиқ ва автоматик тарзда ўтказилади. Натижада инсон омили камаяди, таниш-билишчилик йўли билан шартномалар тузиш имконияти чекланади ва давлат бюджетининг миллиардлаб доллар маблағи тежалади.

Ўзбекистонда ҳам давлат харидларини рақамлаштириш жараёни жадал давом этмоқда. Бироқ ҳали ҳам айрим йирик тендерлар ёпиқ шаклда ўтказилаётгани боис коррупция хавфи сақланиб қолмоқда.

## 2. ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Коррупциянинг кенг тарқалган йўналишларидан бири ишга олиш ва лавозимга тайинлаш жараёнларида адолат мезонларига риоя қилинмаслигидир. Бу ҳолатни йўқ қилиш учун давлат хизматчилари реестрини тўлиқ шакллантириш, ҳар бир номзоднинг билим ва малакасини баҳолайдиган холис тизим жорий этилиши керак.

Масалан, Сингапурда давлат хизматига ишга қабул қилишда ҳар қандай шахсий алоқаларни йўққа чиқарадиган қатъий танлов тизими мавжуд. Ҳар бир номзоднинг малакаси мустақил комиссия томонидан белгиланган стандартлар асосида баҳоланади. Бу эса давлат хизматининг нуфузини ошириб, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига қарамай, ишга олишда коррупцияга мойиллик хавфи сақланиб қолмоқда. Шу боис ишга олиш жараёнини очиқ ва рақамли шаклга ўтказиш, танлов натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## 3. ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мулкини декларация қилиш тизими коррупциянинг олдини олиш борасида энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Масалан, Грузияда коррупцияга қарши курашиш доирасида барча мансабдор шахслар ўз мулки ва даромадларини ҳар йили очиқ эълон қилиш мажбуриятини олган. Бу эса давлат хизматчилари орасида ноқонуний бойлик орттириш ҳолатларини кескин камайтиради.

Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчилари учун декларациялаш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Аммо бу жараёнда муҳим камчиликлар бор. Ҳозирча декларация маълумотлари жамоатчилик учун очиқ эмас. Декларация топширмаган ёки ёлғон маълумот берган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари мавжуд эмас.

Шунинг учун давлат хизматчилари декларацияларининг ҳаққонийлиги бўйича текширув механизми кучайтирилиши ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ушбу маълумотлар очиқлантирилиши зарур.

## 4. ЁШЛАР ОРАСИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МУРОСАСИЗЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Коррупцияга қарши кураш фақат жазо механизми эмас, балки келажак авлодни тўғри тарбиялаш масаласидир. Шунинг учун ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш зарур.

Масалан, Финляндияда болаларга мактабдаёқ ҳалоллик ва адолат меъёрларини тушунтирадиган махсус дарслар ўтилади. Ушбу ёндашув натижасида мамлакатда коррупция энг паст даражада.

Ўзбекистонда ҳам мактаб ва олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши таълим берувчи тўгараклар ва махсус курсларни ташкил этиш зарур. Жумладан, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан жорий этилган «Виртуал академия» каби платформалардан кенг фойдаланиш керак. Бу ёшларда коррупцияга муросасизлик руҳиятини шакллантиришга хизмат қилади.

## 5. КИБЕРКОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Ҳозирги замонавий рақамли иқтисодиётда коррупциянинг янги шакллари – киберкоррупция ва ноқонуний молиявий операциялар кенг тарқалмоқда. Шунинг учун ҳуқуқ-тартибот органлари ва давлат муассасаларининг кибер хавфсизлик бўйича салоҳиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, турли стартаплар орқали давлат маблағларини ноқонуний йўллар билан ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олиш учун электрон аудит тизимларини кучайтириш зарур.

Бу борада Буюк Британия тажрибасини ўргансак, арзийди. У ерда «National Fraud Initiative» дастури орқали барча давлат тузилмалари молиявий фаолияти доимий мониторинг қилинади ва шубҳали операциялар автоматик равишда аниқланади.

Хуллас, коррупция – жамиятнинг маънавий таназзули демак. Агар жамиятда у одатий ҳол деб қабул қилинса, янада чуқур илдиз отаверади. Шунинг учун унинг ҳақиқий ечими – умуммиллий маърифат, шаффофлик ва муросасизлик маданиятини шакллантиришдир.

Бу борада энг самарали восита жамоатчилик назорати ва давлат тизимлари шаффофлигини таъминлашдир. Давлат бошқаруви тўлиқ очиқ ва ҳисобдор бўлсагина, коррупцияга барҳам бериш мумкин. Жиноят содир этган шахслар жазоланиши шарт, бироқ, энг муҳими, бу иллатни юзага келтирувчи шароитларни йўқ қилиш зарур.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда янги босқич бошланди. Президент томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар бу йўлда дадил қадамлар эканини кўрсатмоқда. Аммо бу жараён фақат давлат идораларининг вазифаси эмас – ҳар бир фуқаро ҳам коррупцияга нисбатан муросасизликни намоён этиши лозим.

Ҳақиқий адолат фақат қонунларда эмас, инсонлар қалбидаги ишончдадир. Коррупцияга қарши курашиш ила нафақат давлат сиёсатининг устувор йўналиши, балки ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчига айланиши лозим. Фақат шу йўл билангина биз ҳақиқий адолатли жамият ва кучли давлат барпо эта оламиз.



**Темур САФАРОВ,**
*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази катта прокурори*

# МАВСУМИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК!

**БМТ маълумотларига кўра, коррупция ҳар йили жаҳон иқтисодиётига 2,6 триллион доллар миқдорида зарар етказмоқда. Ушбу иллат ўзаги саналган порахўрлик эса дунё аҳолисининг 20 фоизидан зиёдини ўз домига тортиб бўлган. Айрим манбаларда, ҳатто, йиллик пора миқдори 1 триллион доллардан ошгани таъкидланмоқда.**

Афсусланарлиси, ушбу иллат Янги Ўзбекистон тараққиётига ҳам жиддий зарар етказмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, 2024 йилнинг 6 ойида коррупцияга қўл урганлар сони 3837 нафарга етган. Бу 2023 йилнинг шу даврига нисбатан коррупционерлар сони 5,5 фоизга ошган, деганидир.

Бир сўз билан айтганда, коррупция миллий иқтисодиётимиз танасидаги сурункали касалликка айланиб бўлди.

5 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шу касалликдан қутулишнинг оқилона «ташхис»лари белгиланиб, бу борадаги устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Қайд этиш жоизки, коррупция – жамият барқарорлигига ҳам жиддий хавф солмоқда. Бу иллат, айниқса, жамият тараққиёти – миллий иқтисодиётимиз таянчига айланган тадбиркорлик ривожига кўпроқ таъсир кўрсатяпти. Шу соҳада озми-кўпми тажриба орттирган киши сифатида айта оламанки, коррупция илдиз отган муҳитда бизнес юритиш қийинлашади, тадбиркор ўз мақсад ва муддаосига етиш учун узоқроқ, аммо тинчроқ йўлларни излай бошлайди. Чунки бундай шароитда бизнес субъектлари қонун устуворлиги эмас, балки ноқонуний воситалар орқали иш юритишга мажбур бўладилар.

Коррупциянинг тадбиркорликка салбий таъсири биринчи навбатда инвестицион муҳитда яққол сезилишига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Соддароқ қилиб айтганда, сармоядорлар коррупция илдиз отган давлатларга ўз маблағларини жойлаштиришдан қочадилар. Сабаби, инвестиция тарзида киритилган маблағ доимо хавф остида бўлиши, инвестордан ноқонуний тўловлар талаб қилиниши ёки бизнес юритишда тўсиқлар пайдо бўлиши эҳтимоли бир неча баробарга ошади. Яъни коррупция тадбиркорлик учун қонун устуворлигининг заифлашиш жараёнини бошлаб беради.

Бундан ташқари, миллионлаб фуқаролар – ишчи-хизматчилар ҳақига таъсир этадиган жиноятнинг ушбу тури қонунлар нотўғри ишлашига олиб келади: тадбиркор ўз фаолиятини қонун доирасида олиб бориш ўрнига, мансабдор шахсларга пора бериш орқали муаммоларини ҳал қилишга мажбур бўлишади. Натижада эса адолатсиз рақобат муҳитини яратишга ҳисса қўша бошлашади. Юқорида таъкидланган – жаҳон иқтисодиётига зарар келтираётган 2,6 триллион доллар миқдоридаги маблағ айнан ана шундай хатти-ҳаракатлар ҳосиласидир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: тадбиркор лицензия олишда, бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва текширувлардан ўтишда коррупцияга дуч келдими, қонуний тўловлардан ташқари ноқонуний харажатларга ҳам туша бошлайди. Бу бир томондан, бизнес юритишни қимматлаштириб, рентабелликни пасайтирса, иккинчи томондан, қонунларга бўлган ишончсизликни кучайтиради.

Хўш, бундан ким ютади?

Фақат коррупционер! Монополия ва рақобатнинг чекланиши эса жамиятда ҳалол тадбиркорлар имкониятларини чеклайди ва эркин рақобат муҳитини йўққа чиқаради.

Энг ёмони, ижтимоий давлатнинг бирламчи вазифаси бўлган иш ўринлари яратишга тўсиқ пайдо бўлади, иқтисодий ўсиш эса пасаяди.

Маълумки, давлат ўз зиммасидаги вазифаларни секин-аста хусусий сектор зиммасига ўтказяпти. Бу катта натижалар беряпти, албатта. Аммо бу жараёнда хусусий сектор фаолияти чекландими, демак, ишлаб чиқариш жараёни заифлашади ва иш ўринлари яратиш имконияти камаяди. Бу эса охир-оқибат мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир қилиб, ижтимоий муаммолар кўпайишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ислоҳотларнинг дастлабки кунларидан коррупцияга қарши курашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланиши лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Коррупциянинг олдини олиш учун эса биринчи галда қонун устуворлигини таъминлаш – тадбиркорлар ва фуқаролар учун ҳуқуқий муҳитни яхшилаш лозим.

Коррупцияни барҳам топтиришда рақамли хизматлар ва очиқлик, яъни барча расмий жараёнларни электрон шаклга ўтказиш, бюрократик жараёнларни автоматлаштириш, ҳар қандай хизматларда инсон аралашувини камайтириш жуда яхши самара беради. Шу билан бир қаторда, жамоатчилик назоратини кучайтириш, коррупцияга оид далилларни фош этиб боришни изчил йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир.

Тадбиркорларга, айниқса, ёш ишбилармонларга доимий тарзда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали коррупцияга қарши ҳуқуқий ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги ҳам бежиз таъкидланмаяпти.

Давлатимиз раҳбари ушбу иллат келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида гапириб: «Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман, бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга «жамият танасидаги саратон» сифатида қараши керак», деди.

Ушбу сўзлар оддий гап ёки чақириқ эмас, албатта. Биз коррупция ҳар қандай инсоннинг турмуш тарзига, ўқиши ва ҳатто оиласига кириб бораётган иллат эканини теран англашимиз керак. Бир қути гугурт сотиб олсак-да, унинг чекини талаб қилмасак, бу билан коррупцияга йўл очаётган бўламиз. Ёки ишимиз битиши учун пора берсак, миллатимизга, мамлакатимизга зарар етказамиз.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция соҳа, тизим танламаяпти, коррупция бугун бору, эртага ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетадиган иллат ҳам эмас. У барча турдаги тадбиркорликнинг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини секинлаштиради, адолатсиз рақобатни кучайтиради. Энг ёмони, қонунсизликни рағбатлантиради. Шу боис, давлат ва жамият биргаликда бу иллатга қарши қатъий чоралар кўриши лозим. Унутмайликки, коррупция мавсумий муаммо ҳам эмас. Уни фақат курашибгина енга оламиз.



**Равшан ФОЗИЛОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

**Эълон**

Янгийул шаҳридаги «SARVAR ASL-OMAD» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.
Ўзбек халқ мақоли

2025-YIL 20-MART
PAYSHANBA
№ 34-35 (5099)
















**MUASSIS:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay'ati raisi)*, Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari)*,

Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»)*,

Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrirlar:** A. Abdurahmonov, S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** G'. Mirahmedov, U. Xudoyberganova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 02:30
**Topshirildi –** 02:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 463 та**

**Shundan:**
**6 275 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 277 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 914 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.
**Buyurtma G-311**

1 2 3 4 5 6